БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 31 март Шанба
№ 62 (13. 498).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

XXI асрни кутамизми?

Владимир ЛАРИН,
«Комсомольская правда» газетаси ташвиқот бўлими мудири.

Бугунги Москва кўпроқ қайнаётган қозонни эслатади. Бундан ўн йиллар илгариги сокинлик, жим-житликни учратмайсиз. Туб москваликларнинг турмуш даражаси бирданига пасайиб кетганлиги сиёсий эҳтиросларнинг алангаланишга сабаб бўлмоқда. Ҳаммасига Москвага ташриф буюрувчи «четки кишилар»ни айбдор деб ҳисоблашмоқда. Гўёки, улар Москвани талаб кетишмоқда. Рига бозорида бир килограмм гўштнинг баҳоси 15 — 20 сўмга чиқиб кетган. Бундан ташвишланмай бўладими, ахир. Дўконлардан ҳам ҳеч нарса топа олмайсиз. Барча йирик корхоналар ва ташкилотлар ўз ходимларини маҳсулотлар билан буюртма бўйича таъминлаш усулига ўтмоқда.

Бундай шароитда партия ва совет ходимлари ўзларига бериладиган имтиёзлардан бош торта бошлашди. Махсус касалхоналар ёпилмоқда. Бириктирилган «Волга» ва «Чайка»лар камайиб қолди. Яқинда «Правда» нашриётининг махсус дўкони ёпиб қўйилди. Бу ердан бирмунча юқори лавозимдаги партия журналистлари маҳсулот харид қилишарди. «Правда» газетасининг бош муҳаррири Фролов эса ўзига бириктилган «Чайка» ва алоҳида ошхона хизматидан воз кечди.

Бироқ имтиёзлардан воз кечишлар маҳаллий ҳокимиятлар обрўсининнинг ошишига у қадар кўмаклашмайди. КПСС аъзолигидан бош тортиш ҳоллари ҳам тез-тез учрамоқда. Зеро, маҳаллий партия ташкилотларининг ғолиб синф партиясининг асоси бўлган тажрибали кекса ишчилар ҳам тарк этаётганлиги беҳад ташвишга солмоқда. Кўпминг кишилик митингларда монархияга даъват этувчи чақириқлар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Вазиятни олдиндан башорат қилиш жуда мураккаб. Бироқ митинглардан бири Кремль дарвозаси томон юриш билан тугаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шахсан менинг ўзим Москвада тўқнашувлар бўлишига ишонмайман (бундай миш-мишлар ҳамма жойда муҳокама қилинмоқда). Москва етарли байналмилал шаҳар. Партия эса демократиялаш йўлидан, ҳатто, хокимият учун ўз ҳуқуқини бекор билишгача бўлган қатъий йўлдан бораётганини сўнгги Пленум исботлади.

«Гдлян ва Иванов ишини ҳимоя қиламиз». — Ўша ўтаётган митингларда бундай шиорлар оммавий равишда тарқатилмоқда. Бироқ Гдлян ва Ивановга қарши айбномаларни, менимча, шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак ва улар батамом асослидир. Кўпчилик эса илгариги сингари терговчиларни қўллаб-қувватламоқда. Бу биринчидан шундан далолат берадики, пойтахтда олдингидек ҳақиқий сиёсий етакчилар йўқ, етишмайди. Иккинчидан, ҳаммаси учун халқ суди олдида нафақат Гдлян билан Иванов, балки бутун тергов системаси жавоб бериши лозим. Бунинг устига кўп сонли қамоққа олишлар ва тергов остида ноқонуний ушлаб туришлар кўп ҳолларда юқорининг буйруғи остида амалга оширилган.

Оддий москваликларнинг Ельцин ишига бўлган қизиқиши бирмунча сусайиб қолди. Агар умуман халқ депутатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Кўпчилик «Ўтаётган сайловлар ҳеч нарса бермайди», деган кайфият билан яшамоқда. Бу қайсидир даражада яхши гап эмас, чунки бизда демократиялашдан бошқа йўл йўқ, сайловларга қизиқишнинг йўқолиши эса бизни ўтмишга бошлайди.

Шунга яраша астрологияга қизиқиш жадаллик билан кучаймоқда. Бу қонуний ҳол. Чунки ўтган 70 йил давомида халқ кутган ўзгаришлар рўёбга чиқмади.

Астрологларнинг башоротига кўра, «Энг ёмон йил» 1993 йил бўлармиш. Сўнгра юксалиш даври бошланаркан. 2003 йилдан бошлаб ажойиб давр келаркан.

Нима ҳам дердик, омон бўлсак кўрармиз. XXI асрни кутамиз.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

29 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Ялпи мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси М. И. Иброҳимов очди.

Депутатлар республика ҳукуматининг Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ш. Р. Мирсаидов таклиф этган янги таркибига номзодларни тасдиқлашга киришдилар.

Яқинда, доимий комиссияларнинг мажлисларида номзодларнинг ҳар бири министрлик ёки идора фаолияти программасини баён этди. Улар министрлар ва давлат комитетлари раисларининг лавозимларига номзодлар шахсини батафсил ўрганишга интилган депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар. Бўлиб ўтган жиддий фикрлашув чоғида номзодларга уларнинг ишчанлик ва инсоний фазилатларига қараб талабчанлик билан баҳо берилди. Депутатлар уларга ўзларининг кўпгина истакларини айтдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг номзодлари тақдим этилган барча биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари, ҳукуматнинг адлия министридан ташқари барча аъзолари тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ш. Р. Мирсаидовга ушбу лавозимга номзодни яна бир бор кўриб чиқиш ва тегишли доимий комиссияларда муҳокама қилингандан кейин Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясига таклиф киритиш тавсия этилди.

Паркент районида рўй берган ҳолатлар ва оммавий тартибсизликлар оқибатларини текшириш борасида депутатларнинг таклифига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида илгари ташкил этилган комиссия таркибига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Р. А. Абдуллаев, Ж. Маматов, О. П. Фединалар кирди.

Кеча сессия ўз ишини давом эттирди.

Тафтиш комиссиясининг мажлиси

Шу йил 28 мартда Ўзбекистон ЛКЁИ. Тафтиш комиссиясининг навбатдаги VII мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссиянинг масъул котиби Б. Убайдуллаев 1989 йилда комиссия томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Комиссия 1990 йил иш режасини, сарф-харажатлар сметасини, комиссия бюроси ва комиссия аъзоларининг вазифалари тўғрисидаги Низомни кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Комиссия ташкилий масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси аъзолари таркибига сайланган, лекин ҳозир партия ишига ўтиб кетган ва бошқа сабаблар билан кетиб қолган аъзолар янгилари билан тўлдирилди.

Комиссия Б. Убайдуллаевни Ўзбекистон ЛКЁИ Тафтиш комиссияси раисининг бошқа ишлардан озод қилинган ўринбосари этиб сайлади.

Комиссия мажлисида бир қатор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг (ЎЁТҚ) умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитага аъзо бўлган 25 ташкилотдан вакиллар қатнашдилар.

Маълумки, жумҳурият Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг аввалги йиғилиши 1989 йилнинг январь ойида бўлганди. Ўтган вақт ичида ЁТҚ томонидан талай ишлар амалга оширилди. (Бу ҳақда кейинроқ мавруди билан ёзамиз). Лекин шуни айтиш керакки, қатор йиллардан бери қандайдир сирли бўлиб келган бу қўмита эндигина ўз Устав ва ҳаракатномасига эга бўлмоқда. Энди ЎЁТҚ Ўзбекистон ССР Конституцияси доирасида мустақил фаолият кўрсатади.

Бу қўмита ҳар қандай бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан партия ва комсомол таъсиридан холис. У жумҳуриятимиздаги ёшлар ташкилотлари, бирлашма ва гуруҳларига жипслашган ёшларнинг мақсадларини, истак-иродаларини уйғунлаштирувчи, чет эллардаги ёшлар ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатувчи қўмитадир.

Йиғилишда ташкилотнинг келажаги унинг вазифалари тўғрисида катта баҳс бўлди. ЁТҚнинг Устави қабул қилинди. Қўмитанинг 15 кишидан иборат Кенгаши сайланди. Кўпчилик овоз билан Акмал Саидов Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раиси этиб сайланди. Йиғилишда Қўмита аъзолигига янги ташкилотлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ҳиндистон, Ливия, Афғонистон, Мўғилистон давлатларининг Тошкентдаги ваколатхонасининг Бош консуллари қатнашдилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мафкура бўлимининг чет эллар билан алоқалар сектори мудири Ф. Ғ. Тешабоев, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров, СССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг илмий маслаҳатчиси Е. Буренко ва бошқа ўртоқлар иштирок этишди.

Ҳайдар АКБАР.

КИМ ҲАҚИДА ГАПИРИШАЯПТИ, НИМА ТЎҒРИСИДА ЁЗИШАЯПТИ!

Махсус сон № 3 (14)

ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!
КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА
ОСНОВАНА В МАЕ 1925 г. ОРГАН ЦК ВЛКСМ ЦЕНА 3 КОП.

№ 3 (14) спец • выпуск

«Ленинская смена» Горький вилоят ёшлар рўзномаси хабар беришича, ташкилотлар бу йил ёзида ўзига талабалар отрядини «олиши» учун конкурсда қатнашишига тўғри келади. Кўрик ВЛКСМ Горький вилоят қўмитаси талабалар вилоят отряди томонидан ўтказилади. Эндиликда ўз вақтида ишда бўлмаган талабалар крепостной ҳуқуқи нима эканлиги мавзусини амалий таълим орқали ўтайди.

* * *

1992 йилда Воронеж яқинида замонавий ишлаб чиқариш технологияси билан таъминланган, йилига 150 миллион дона бир маротаба қўлланиладиган СПИД вирусидан сақловчи шприц ишлаб чиқарадиган завод қурилади. Заводни ускуналар билан жиҳозлаш хорижий валютада 6 миллион сўм туради. Ана шу асбоб-ускуналарни америкалик фермерлар беминнат етказиб берадилар. Улар маҳсулотнинг 50 фоизини тўрт йил мобайнида четга чиқариш орқали ўз сарфлаган харажатларини қоплайдилар. Барпо этилиши белгиланаётган ишлаб чиқариш экологик соф ҳисобланади, деб ёзади Воронеждан чиқадиган «Молодой коммунар» рўзномаси.

* * *

Латвияда 9-синфни (собиқ 8-синфни) тамомлагандан кейин битириш имтиҳонлари бекор қилинди, деб хабар беради Латвиянинг «Советская молодежь» рўзномаси. 1990 йилда кимда-ким ҳунар-техника билим юрти ёки техникумда ўқишни давом эттиришга қарор берган бўлса, кириш имтиҳонларни топширади. Кимда-ким мусиқий ёки тиббий таълим олишни, шунингдек, деҳқончилик саноати билим юртига киришни истаса, синовнинг икки турини ўташига тўғри келади. Биринчи синов мактабларда, иккинчи синов танлаб олинган ўқув юртларида бўлади.

* * *

Совет Иттифоқи телеграф агентлиги ўтган йил ёзида Уфа яқинидаги темир йўл ҳалокатини бошидан кечирган йўловчиларнинг Новосибирскда ўтган йиғилишида фожиада жабр кўрганларнинг вилоят ҳамдўстлигини таъсис этилганлигини хабар қилди. Бу ҳамдўстлик таркибига Новосибирск-Адлер ва Адлер-Новосибирск поездларида ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ҳам киритилган. Ҳамдўстликнинг вазифаси — жабр кўрганларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Айниқса, фалокат турмушларини нохуш қилган болаларга алоҳида эътибор берилади. Ҳамдўстлик ёрдам жамғармасига келиб тушаётган пул маблағларини адолатли тақсимлаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик кўрсатади.

Ойнаисўз бўйича А. КУРМАНОВ навбатчилик қилди.



Пойабзал, деса ҳар биримиз ўрнимиздан сапчиб тушамиз. Импорт эканми, қаердан топдинг деган саволлар кетма-кет ёғилади. Аммо, ҳалигача «Қўқонникиям, Тошкентникиям зўр чиқаяпти», деган гап сўзлашув луғатимизга кирганича йўқ. Борди-ю айтилаётган бўлса, у ҳолда ўз муносиб ўрнини тополгани йўқ. Куни кеча номзоди тасдиқланган жумҳурият Енгил саноат нозири, қолаверса қўқонлик пойабзалчилар «Янада сифатлироқ ишлаймиз!» деб ваъда бермоқдалар. Ишонишдан бошқа чора йўқ.

СУРАТДА: Қўқон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Ҳамида Эргашева.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТГА 60 МИНГ МАКТУБ

— Менга қара, нимага уларнинг ҳаммаси йиғлашаяпти? — сўрадим ўн ёшли Густавдан.

— Ҳурсанд бўлганликларидан йиғлашаяпти. Уларнинг орзулари рўёбга чиққанлигидан, бахтиёрлигидан йиғлашаяпти.

Жавоб, албатта, тўғри. Келгуси асрда ер куррамизда очарчиликнинг йўқолишига эришишни мақсад қилиб олган халқаро болалар ташкилоти аъзолари бўлган бу ўғил-қизларнинг туйғуларини тушуниш мумкин. Улар Кремлда! Улар СССР Президентининг рафиқаси билан гаплашмоқдалар! Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан болалар Горбачев номига 60 минг мактуб ёзишган. Ана шу мактублар бўр ва бўёқ билан ёзилган қопларда Владимирск залига қўйилган. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан мактуб ёзишган болалар совет Президентига Эфиопиянинг оч қолган болаларига кўмак бериш даъвати билан мурожаат этишган.

Ҳар ҳолда бу кўзлардан қуйилаётган ёшлар, қучоқ очиб кўришишлар ва ҳаяжонланишдан лабларнинг титраши одатдан ташқари кўриниш эди. Бизнинг болаларимиз ўзларининг ҳисҳаяжонларини бунчалик намоён этмайдилар. Бу ерга Раиса Максимовна Горбачева билан учрашишга келганлар орасида балоғат ёшидагилар ҳам, етти ёшлик болакайлар ҳам, ўспирин ва талаба ёшидаги қизлар ҳам бор. Уларнинг ҳаммасини очарчилик ва вайронагарчилик туфайли азоб-уқубат чекиб нобуд бўлаётганларга хайрия саховатини кўрсатиш туйғуси бирлаштирган.

Барча делегация аъзоларининг дастхатлари битилган ажойиб мавҳумий расм, Берлин деворининг парчаси, альбомлар, конвертлар, бошқа туҳфалар Президент рафиқасига тақдим этилган. Бу ажойиб ишга боқаман ва ўйга толаман. Ахир бу барча улкан тадбирни амалда бир неча катта ёшдаги кишилар ва ўнлаб болалар амалга оширганлар. Уларнинг миллионлаб нусхада чоп этиладиган на рўзномалари, на «аппаратлари», на «юқоридан берилган кўрсатмалари» бўлмаган. Бизда ана шуларсиз тарғибот ишини олиб бориб бўлмайди. Қойил-а?

Б. МИНАЕВ.

ДИАЛОГ. Саволлар беринг!

Кремлда ҳеч ким яшамайдими?

Илгари Кремль яшаш биноси бўлган. Ҳозир у ерда бирор кимса яшайдими! Давлат раҳбарлари қаерда яшашади!

С. ИЗМАЙЛОВ.
Калуга.

СССР Олий Советидан бизга давлат раҳбарлари Москвадаги давлат квартираларида яшашади, деб жавоб беришди.

Кремлда эса ҳозир турар-жой хоналари йўқ. Беш йилча илгари у ерда қоровул яшар эди. Кейинчалик у алоҳида квартирага кўчиб ўтган. Дарвоқе, қачонлардир у ерда айрим партия ва совет раҳбарларининг оилалари пропискада туришган эди. Уларнинг манзилгоҳлари ҳам «Москва — Кремль» деб жаранглардi.

Технополис нима?

Технополис — бу илмий-техника ва лойиҳа-конструкторлик фаолиятига ихтисослаштирилган шаҳардир.

Жаҳонда технополис билан ҳеч кимни ҳайрон қолдириб бўлмайди. Айниқса, улар Японияда ва АҚШда жуда кўп. Аммо технополис соҳаси бўйича пионерлар бизлармиз. Новосибирскдаги Академшаҳарча бугунги технополиснинг яққол тимсолидир.

Дармондори радиацияга қаршими?

Украинадаги ноҳияларда зарарланган болалар организмларидаги радиацияларни бартараф этишда хорижий дармондорилар билан таъминланадиларми!

П. ЛОНОВСКАЯ.
Узин.

СССР Соғлиқни сақлаш нозирлигининг радиация тиббиёт бўлимидан биз қуйидаги жавобни олдик:

— Хорижий мамлакатларнинг дармондориларини сотиб олиш учун бизда ҳозир ҳеч қандай зарурат йўқ, чунки бизда ҳам хорижий элларда ҳам радиация билан зарарланганларни (жумладан, болаларни ҳам) ўзимизда мавжуд бўлган пектинли моддалар ва бошқа дорилар билан даволанади. Улар орасида серроцин ҳам бор (бу дори текширувдан ўтган, аммо ҳали кенг сотувга чиқарилмаган).

«Америка»ни варақлайсизми?

Совет Иттифоқида «Америка» ва «Англия» журналларнинг тарқатилишини биламан. Уларни қандай олса бўлади!

Ю. КЛЮВА.
Москва.

«Диалог» мухбири «Союзпечать» Марказий агентлиги бошлиғининг чет эл нашрлари бўйича ўринбосари К. Миловага қўнғироқ қилди ва бу саволга жавоб беришни сўради.

Ҳақиқатан ҳам бу иккала журнал мамлакатимизда тарқалади. Уларнинг ҳар бирида қайси шаҳарлардан сотиб олиш ёки обуна бўлиш мумкинлигининг рўйхати берилган. Бу йилдан бошлаб бундай шаҳарлар рўйхати кўпайди — энди уларни хоҳлаган вилоят марказидан сотиб олса бўлади. Обуна эса фақат бир йилга расмийлаштирилади. Уларнинг кенг тарқалишидаги ягона тўсиқ — бу иккала журналнинг лимитли нашрларга оидлигидир. «Америка» — 100 минг нусхада, «Англия» эса — 200 минг нусхада тарқалади. Кимда-ким бу журналларни келгуси йилда олишни хоҳласалар, ҳозирданоқ обуна бўлишга шошилишлари керак.

Навбатдаги миш-миш

Бизнинг жумҳуриятимиз ва шаҳримизда навбатда турганларга квартира бериш ҳамда тақсимлашда турли хил чалкашликларга йўл қўйилаётганлигини бир неча бор эшитдим. Гўёки руслар навбатдан чиқариб ташланаётган ёки орқага суриб қўйилаётган эмиш. Шу ростми ёки одатдаги ёлғонми!

В. ДАВИДОВА.
Вильнюс.

Ҳа, бу навбатдаги совун «кўпиртириш». Бундай барча миш-мишларга ҳеч қандай ўрин йўқ, — деб бир овоздан ишонтиришди Литва жумҳурияти Олий кенгашида.

Биз Вильнюс шаҳар ижроқўми билан боғландик. Телефон гўшагини турар-жойларни тақсимлаш бўлимининг мудири В. Александравичус кўтарди:

— Мен «Комсомолка»нинг юмшоқроқ қилиб айтганда, бундай ғалати хабар билан шуғулланишига афсусланаман. Рад этмайман, Вильнюсда турар-жой масаласи оғир ва муҳим масалалардан биридир. Лекин шуни аниқ айтаманки, турар-жой миллати ким бўлишидан қатъи назар қонуний навбат бўйича тақсимланади.

Гипнозсизми?

Матбуотда Америка президентининг бир группа руҳиятчилари борлиги ҳақида хабар эълон қилинган эди. Қизиқ, бизнинг давлатимиз раҳбарларида ҳам шунга ўхшаш руҳият хизмати мавжудми!

Ф. МАРТОВ.

«Диалог» мухбири СССР Олий Кенгаши Секретариатининг ахборот-маълумот хизмати билан боғланди ва у ердан бундай нарса йўқлиги ҳақидаги жавобни олди.

Ўз мухбиримиз устуни

Адашмайлик

Мирзаахмад АЛИМОВ,
«Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон бўйича ўз мухбири

Наврўз байрами кунлари кўҳна Хивада бўлдим. У ерга атайлаб борган эдим. Собиқ байналмилал-жангчи Одилбек Отажоновни ва ойдек рафиқаси Ўғилжонни баҳор ва яшариш байрами билан табриклашни дил-дилимдан истардим.

Бу ажойиб ва камтарин йигит ҳақида биринчи бор ёзаётганим йўқ. «Комсомолка»нинг биринчи саҳифасида Одилбекнинг никоҳ тўйидан сурат чоп этилган.

Отажоновни тез-тез қаламга олишим бежиз эмас, албатта. Афғонистонда икки оёғи ва қўлидан жудо бўлган собиқ сапёрга юрагим ачишади. Шахсан унинг бардошлилиги ва ҳаётсеварлиги мени ларзага солди. Ахир Одилбек ҳеч қачон ўзининг оғир қисматидан нолиганмас, ўзини Ватанга зарур мукаммал инсон деб ҳисоблайди.

Биз у билан шикоят хати орқали танишган эмасмиз. Байналмилал-жангчиларга уларнинг вилоятида заррача ҳам эътибор беришмай қўйишган. Шунда у «Комсомолка»да бор-йўғи 15 сатрдан иборат хабар билан чиқди. Унинг акс-садоси эса беқиёс бўлган. Фақат биргина Хоразм вилоятидан эмас, бутун мамлакатимиздан фикр-мулоҳазалар баён қилинган хатлар келган.

— Ҳозирги кундаги энг асосий нарса, бу — адашмаслик...

Одилбек жумҳуриятимиз ва мамлакатимизнинг истиқболини социалистик идеалларсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигига тўла ишончи комил.

— Фақат социализмгина барчамизга чинакам тенглик ва тенгҳуқуқлик кафолатини беради, — дейди суҳбатдошим қатъий ишонч билан.

Бўлажак тарих ўқитувчиси Отажонов ана шундай ўйлайди. Бизнинг фикрларимиз бир-бирига мос келишидан ғоят хурсандман. Мен ҳам бадавлат бойлар ва оч-наҳор батраклар, бойваччалар-у, рўзғорини зўрға тебратаётган ишчилар яна пайдо бўлишини истамайман. Мен ҳам **тенглик** ва кафолатланган **тенгҳуқуқлилик** тарафдориман.

«Комсомольская правда»нинг Тошкентдаги мухбирлар пунктига келаётган хатлар сўнгги вақтларда жуда кўпайди. Самарқанд вилоятининг Қўшработ ноҳиясидан собиқ шофёр, ҳозирда беиш Абдисоли Маликов шундай ёзади: «Биз беш жонмиз. Отам ойига бор-йўғи 90 сўм олади. Мен рафиқам ва фарзандим отаонамизнинг қарамоғида эканлигимиздан уяламан. Мана бир неча йилдирки, иш тополмаяпман». Ҳа, муаммолар кўп. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясида Абдисоли томонидан қўйилган муаммо кўриб чиқилиши шубҳасиз.

Қашқадарё вилоятининг Нишон ноҳиясидаги 10-қишлоқ мактабининг собиқ директори Тўрақул ака Давронов зардали мактуб йўллаган. Тўққиз фарзанднинг отаси мана кўп ойлардан буён иш тополмаяпти. Нега шундай ҳолат юзага келди? Бу инсон нима учун ўз ноҳиясида ҳақиқатни топишга эришмаяпти? Тўғри, биз ҳаммасини текшириб кўрамиз, лекин ҳозирги кунда бир нарса аниқ-равшан: Даврановга кўмак бериш лозим.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи ноҳиясидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги аъзоси Маҳмуд Эшқобиловнинг ташвишланиб ёзган мактубини олайлик. Унда хўжаликда содир бўлаётган тартибсизлик ҳақида ёзган. Мухбирлар пунктимиз «Ёш ленинчи»дан яқин орада ана шу деҳқоннинг мактубини эълон қилишни илтимос қилди. Уни тўлқинлантираётган муаммолардан бутун жумҳуриятимиз хабардор бўлсин.

Қорақалпоғистон АССР Беруний ноҳиясидан ҳалол меҳнат қилаётган пудратчи пахтакорнинг оғир аҳволи тўғрисидаги ташвишли хабарга зудлик билан командировкага бормасликнинг иложи борми? Беруний номли давлат хўжалигининг ёш ишчиси Париза Нуримбетованинг ишончли, ҳар жиҳатдан асосланган мактубини ўқир экансан; «Бугунги кунда ёшларга мана шундай киши бошчилик қилиши, ёшларни ўз орқасидан эргаштириб бориши керак!» — деб ундалгинг келади.

Париза камчиликлар билан келишишни истамайди, барчанинг кўз олдида содир бўлаётган адолатсизлик унга тинчлик бермайди: бир ижарачи йилига 400-450 сўм, бошқаси эса бир неча баробар кўп ҳақ олаяпти. У яхши ишлагани учун шундай ҳақ олаётгани йўқ...

Нима учун жойларда ана шу кишиларнинг талабларига қулоқ солишмади? Улар ҳақиқатни Тошкентдан ёки Москвадан излашга мажбур бўлишаяпти! Агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, бир кунмас бир кун мана шуларнинг барчаси, лаёқатсизлар адашиб қолишлари турган гап. Унда нима бўлади?

Унда ҳаммамиз аниқ адашган бўламиз...

Нуқтаи назар

ИНСОН СЎЗИ МАҒРУР ЖАРАНГЛАР

Социализмнинг замонавий концепцияси тўғрисидаги баҳс-мунозаралардан шуни англаш мумкинки, эскириб қолган, ўтмишга юз тутган социализм концепцияси ҳануз яшаётир. Ўз-ўзидан улар ўртасидаги тафовут хусусида савол туғилади. Масалага шу тахлитда ёндашув бугунга келиб Маркс, Энгельс ва Лениннинг асарлари социализм назарияси учун «иш бермайди» деган хулоса чиқарилганини билдирмайдими? Мавжуд концепцияни атрофлича таҳлил этмай туриб, янги концепцияга ошиқмаяпмизмикин? Гап турли моделларни инкор этишдагина эмас. Гап шундаки, тарих социализмнинг «классик» концепцияси тақдирини шундай қилиб «яратдики», айтиш мумкинки, уни амалиётда текшириб кўришга имкон бўлмади: барча социалистик мамлакатлар у ёки бу тарзда, аммо худди бизнинг чекимизга тушган нуқсонлар ва бузилишлар йўлини босиб ўтдилар.

Қайта қуриш ва ошкоралик ҳақиқатга тўғри келмайдиган «ривожланган» ва «етук» социализм тушунчаларини истеъмолдан олиб ташладигина эмас, балки биз яшаётган жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги масалани яна ҳаётга қайтарди. Кўпчилик «Биз социализм даврида яшаяпмиз» деб исботламоқчи бўлади. Менга эса «Ёки ҳа, ёки йўқ, деб аниқ жавоб бериш бу ўринда тўғри келмайди. Бу ерда ҳам ҳа, ҳам йўқ», деган жавоб мақбул, дегувчи муаллифларнинг қарашлари яқинроқдир.

Мени тушунишларингизга умид боғлаб ва ўртоқларча қўшилмасликларингизни ҳам диққат билан тинглашга тайёр турган ҳолда таваккал қилиб ўз муносабатимни билдирмоқчиман: агар биз қурган ва яшаётганимиз зиддиятларга тўла жамият социализм деб аталса, унда мен умуман социализмга қаршиман.

У аллақачон бизда қурилган, дея мамлакатимизда социализмни «қутқариб қолиш»га бўлган ҳар қандай уриниш, менимча, социализм ғоясининг ўзини обрўсизлантиради.

«Тарафдорлар» ва «қаршилар»нинг турли-туман далил-исботларига, чамаси, ҳақиқий демократиянинг асосий кўрсаткичи сифатида инсон ҳуқуқлари манфаатлари позициясидан ёндашиш ҳам зарурга ўхшайди. Ҳаммасидан ҳам шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларида инсон ҳуқуқлари поймол этилганлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Худди шу жабҳада социализм принциплари ва унинг амалдаги кўриниши мутлақо бир-бирига зид эканлиги маълум бўлди.

Тарихга «Ғалаба қозонган социализм» Конституцияси сифатида тиқиштирмоқчи бўлганлари 1936 йилги СССР Конституцияси мамлакат раҳбариятининг халққа қарши қаратилган жиноятларни амалга оширишига ҳалал беролмаганини эслаш кифоя.

Файласуфлар, ҳуқуқшунослар, социологлар, маданият ходимларининг чиқишлари мамлакатимизда юз берган ижтимоий инқилоб назарияси ва амалиёти масалаларига қизиқишдан гувоҳлик беради. Масалан, социализм қандай бўлиши лозим, деган саволга профессор А. Бутенко шундай деб жавоб қилади: «Вазифа аввалги социализм концепциясини унинг хусусий тараққиётида янги босқичга кўтаришгина бўлмай..», балки «эски социализм модели ўрнига ўзгача, замонавий социализм моделини «қарор топтиришдир».

Профессор, менинг назаримда, Марксдаги «меҳнатни озод қилиш» формуласига Сталиннинг муносабатини нишонга олиб, тўғри қилади. Аммо танқид учун манба сифатида танлагани инсонни эксплуатация қилиш ва уни асоратга солиш тушунчасини чеклаш ғояси ишонтирмайди, кишини. Гап ироданими ёки меҳнат натижаларинимиэгаллаб олиш ҳақида борганда, у ҳамиша зўравонлик, бостириш, ҳуқуқ ва эркни чеклаш ҳамда ётсираш орқали амалга оширилади. Умуман олганда, эксплуатация асоратсиз ёки аксинча, асорат эксплуатациясиз яшамайди.

Шунинг учун, менинг назаримда, табиийки, бир кишига тегишли нарсанинг бошқа киши томонидан ўзлаштириб олинишининг турли кўринишлари, йўллари ва усуллари хусусида гапириш тўғрироқ бўлур эди. Наҳотки социализм эксплуатация ва асоратнинг барча шаклларини бекор қилишни англатмаса? Бизда шунчаки эксплуатация асоратга ўрнини бўшатиб бергани йўқ, балки ходимни ишлаб чиқариш воситаларидан бездирган ва уни эркин меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этган маъмурий-бюрократик, олий ҳокимият қиёфасидаги ҳамма нарсани ўзиники қилиб ўзлаштириб олувчи субъект пайдо бўлиши билан эксплуатация турларининг ўзига хос кўп нусхалилиги юз берди, деб айтсак, ҳақиқатга бир қадар яқинроқ келган бўлмасмиканмиз?

Шу маънода СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси С. Алексеевнинг фикрига қўшилмаслик мумкин эмас. Унинг айтишича, социализмнинг иқтисодий ва ижтимоий ташкил топиш замиридаги иккита асосий белгининг биринчиси «социалистик жамиятнинг бутун меҳнат аҳлини, барча меҳнаткашларни ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабати орқали жалб этиш» тарзида қўйилганлигидир. Айнан ҳозирги замон шароитида «социализм — маданий ширкатчилар тузуми» деган ленинча ғоя билан чамбарчас боғланиб кетган «Фабрика — ишчиларга, ер — деҳқонларга» Октябрь шиори амалда рўёбга чиқмоғи лозим. Муаллиф кооперация ва ижара ташкилотлари заминида ишлаб чиқарувчиларнинг эркин уюшмасини тузиш ҳақида гапириб, буни юқорида зикр этилган социализм асосининг иккинчи бош белгиси, деб атайди. Ўз-ўзидан аёнки, биринчи дастур каби иккинчисининг ҳам мавжуд эканлиги социалистик жамиятнинг таркиб топиши шартидир.

Аммо, менинг назаримда, баҳс-мунозара айрим иштирокчилари ўз хулосаларидан мантиқий якун чиқаролмаяптилар. Мамлакатимизда барпо этилган «социализмнинг сталинча модели» асосида, бир қатор муаллифларнинг фикрича, қуйидаги қоидалар ётади:

асосий ишлаб чиқариш воситаларини социалистик мулкка айлантириш билан алмаштириб, уларни давлат мулкига айлантириш; жамоатчилик турмушининг демократик шаклларини йўқ қилиш; гарчанд партия ва давлат аппаратига суяниб иш кўрса-да, аммо аслида партия ва аппарат устидан турган «доҳий» истибдоди ва зўравонлиги, давлат йўли билан жазолашга қадар бориб етувчи, мажбурловчи (ноиқтисодий) маъмурий-буйруқбозлик услуби орқали меҳнатни ташкил қилиш; ижтимоий ҳаётда иқтисодий, шунингдек сиёсий (демократик) регуляторларнинг йўқлиги учун ҳам ўз-ўзини тузатиб олиш, боз устига ички реформага лаёқатсизлик, мамлакат биқиқлиги, ҳаётнинг барча соҳаларида ўз қобиғига ўралиб хўжалик юритиш анъанаси; ғоявий чекланганлик ва омма итоаткорлиги, фанда ва маданиятда ақидапарастлик.

Ушбу етти тезисга саноқ бўйича саккизинчи, бироқ аҳамияти жиҳатидан саккизинчи бўлмаган — «у ёки бу жамиятнинг социалистик» муҳим мезонини ўзида ифода этган, амалга ошмаган «меҳнатни озод қилиш» тўғрисидаги тезисни қўшимча қилиш даркор.

Лекин, таассуфки, бу билан ўтмишимизга берилаётган тавсиф тугамайди.

Биринчидан, бу ерда гап инсоннинг жуда муҳим манбадан ва айни вақтда сиёсий, шунингдек иқтисодий муносабатларда унинг соҳиблик мавқеини қандайдир маънода англатган ҳамда ҳодисаларнинг ўзаро боғланганлиги билан ифодаланган ижтимоий фаоллик дастакларидан бегонасираш хусусида бораётир. Бунда аксилсоциалистик бегонасираш, яъни меҳнаткашларнинг халқнинг ҳокимиятдан, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларидан бегонасираши назарда тутиляпти.

Иккинчидан, бу икки турли ахлоқни ва ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида икки турли стандартларни ҳаётга жорий қилиш бўлди. Бундай практика инсон онги ва иродасида қулларча итоаткорликни тарбиялашга «кўмаклашди». У ёки бу фалсафий, ғоявий принципларни чайқовчиларча муҳитга мослаштириш бунга имкон яратиб берди. Мисол тариқасида, ҳаммага маълум ва машҳур бўлган, шахсий манфаатларнинг шак-шубҳасиз ижтимоий манфаатларга бўйсуниши ҳақидаги тезисни келтириш мумкин.

Ва учинчидан, бу расмий ахлоқий ва ҳуқуқий нормативлар ҳамда уларнинг амалдаги кўриниши ўртасидаги тафовутлардир. Кўп йиллар мобайнида дунёда биринчи бўлиб «ғалаба қозонган социализм» Конституцияси билан мутлақо айбсиз, кўп ҳолларда социалистик инқилобга содиқ бўлган кишиларнинг мислсиз кенг миқёсда қатли ом этилиши ёнма-ён яшаб келди.

Ниҳоят, социализм ва инсон ҳуқуқларининг энг муҳим мезони — халқнинг турмуш даражаси ҳисобланади. Бош ва ҳеч бир шикоятга ўрин қолдирмайдиган кўрсаткич эса, бунинг аксини кўрсатиб турибди: мамлакатимизда қашшоқлик ва ундан ҳам паст даражада яшаётганлар сони 40 миллион кишини ташкил этади!

Социалистик жамият асосий манбаларидан инсоннинг кенг кўламда бегонасирашини бартараф этиш йўлларини демократиялаштириш ва ошкоралик орқали, жамиятимизнинг мулкчилик ва сиёсий қурилишига ўзгартиришлар киритиш орқали, ахлоқий жабҳаларни, бутун маънавий ҳаётни соғломлаштириш орқалигина қидириб топиш мумкиндек туюлади, менга. Бир сўз билан айтганда, инсонга восита деб эмас, мақсад деб қаралиши керак.

Менинг назаримда, айрим муаллифлар гўёки мамлакатимизда социализмни рад этиш «омма онгида парокандалик, социализмнинг бунёдкорлик имкониятларига, жамиятимизнинг демократик ва инқилобий ривожланиш қобилиятига шубҳа уйғотади» деган фикрларни айтиб, ўзларига ўзлари қарши боряптилар. Балки, аксинча эмасми? Ўзига ва ўз халқига нисбатан қилинган мислсиз жиноятлар ҳақидаги ҳақиқатни эшитиб, гарангсиб қолганимиз йўқ-ку?! Агар узлуксиз йўқчиликка, турмуш даражасининг тобора пасайишига, шахсий ҳуқуқ ва эркинликка кафолатнинг ва ҳоказоларнинг йўқлигига дуч келаётган одамлар, аксинча, кўпроқ гарангсимасмиканлар ва социализмга бўлган ишончларини йўқотмасмиканлар?

Агар шуларнинг ҳаммаси одамларда социализм шу экан-да, деган тушунча уйғотса, у ҳолда миллионлаб қурбонлар нима учун берилган эди? Бу социализмнинг обрўсизланиши ҳақидаги, ва табиийки, ҳақиқат ҳақидаги саволлардир.

Одамларимизнинг буюклиги ҳам шундаки, у ўзлигини йўқотмади. Бугун унинг қадриятлари у ёқдан бу ёққа ўзини урмаслик, «худди каламуш янглиғ» кемани ташлаб қочмаслик, ваҳимага тушмаслик, балки юз бериб турган воқеалар асосида инқилобий қайта қуришда ўзининг аниқ ўрнини белгилаб олиш, ҳамда яхши кунлар учун курашишни бошқаларнинг ташвишига айлантириб қўймай ва четдан кузатувчи бўлиб қолмай, балки жамиятни ўзгартиришга ўз улушини қўшиш билан ўлчанади.

Б. НАЗАРОВ,
Бутуниттифоқ ҳуқуқшунослик сиртқи институти инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Қамаши ноҳиясидаги болалар уйи тарбияланувчилари ёш шоир Исмоил Тўхтамишевни қизғин қарши олишди. У ёш шеърият ихлосмандларига ўз шеърларидан намуналар ўқиб, улар саволларига жавоб берди. Болалар ҳам ўз навбатида ёд олган шеърларидан ўқидилар.

Кеча ниҳоясида шоир болаларга шеърий китобларини совға қилди.

СУРАТДА: шоир И. Тўхтамишев Қамаши ноҳиясидаги болалар уйи тарбияланувчилари даврасида.

Ш. ШАРОПОВ суратга олган.

(ЎзТАГ фотолавҳаси).

ТАХТ ВОРИСИ

Рус муҳожирларининг биринчи тўлқини наслилари Москвада бир неча кун меҳмон бўлишди. Ана шу келганлар орасида Николай I аждоди Маруся Чавчавадзе ҳам бор эди.

— **Нима учун сиз рус тилида гапирмайсиз?**

— Бувим ва бувам рус тилини махфий тил сифатида ишлатишарди. Улар ўзаро, лекин биз билан гаплашишмас эди.

— **Онангиз миллати бўйича ким?**

— Америкалик.

— **Сиз Россияда биринчи маротаба бўлишингизми?**

— Иккинчи маротаба бўлишим. Биринчи бор 12 йил муқаддам бўлганман.

— **Ўша пайтда нима мақсадда келган эдингиз?**

— Отам Москва, Ленинград, Тбилисини зиёрат қилишга қарор қилди. Биз қариндош-уруғларимиз истиқомат қилган уйлар ва саройларни томоша қилгани келгандик. Петропавловск қалъасида бўлдик. 1919 йили бувам отилган деворни қидириб топдик.

— **Барча «ўзларингизнинг» саройларингизни томоша қилиб чиқишга қанча вақтингиз кетди?**

— Икки ҳафта. Бувим Петропавловск қалъаси қаршисидаги Михайловск саройида болалигида яшаган. Улуғ князларга ана шу саройдан хоналар беришарди. Амаким Серж қариндош-уруғларникига велосипедда боришни одат қилганди.

— **Америкада сизларнинг квартирангиз каттами?**

— Уч хонали. Сўнгги ўн йил мобайнида мен Манхеттенда якка хонада яшадим. Бошпанасизлар ноҳиясида менинг дугоналарим мотоциклчилар ва бошпанасизлар маликаси деб ҳазиллашишади.

— **Сиз Россияни қандай тасаввур қилган эдингиз?**

— Мен бир ҳафта муқаддам Москвага келганимда Россия бу инқилобгача бўлгандек туюлганди. Қор ёғарди. Биз Шереметьево аэропортидан бораётганимизда оқ қайинларни, Москвадаги кўҳна уйларни кўрдик. Мен бу чиндан ҳам менинг уйим, бувимнинг уйи, унга бахтсиз сайёҳ сифатида келаётгандек ҳис қилгандим.

— Аждодларимиз мамлакатида кўпгина кишилар эскича мушоҳада қилади деб ўйлардим.

— **Сиз Россияга бутунлай келишни истармидингиз?**

— Мен хордиқ чиқаришим мумкин бўлган жой бўлишини жуда-жуда истайман. Лекин онам, синглим, отам Америкада. Мен улардан ажралишни истамайман.

— **Сиз нимани кутаяпсиз?**

— Мен амалий алоқалар ўрнатилишини истардим. Чунки Америкада яшаб туриб Россия мен учун жуда ҳам реал мамлакат эмас. Бу — авлод-аждодларимнинг мамлакати, мен эса Ватан билан алоқани йўқотишни истамайман... Мен ўз оилам, Романовлар оиласи ҳақида билган ўша тарих Американи ҳеч ҳам қизиқтирмайди. Лекин оиламнинг хотиралари ва архиви бу ўринда қизиқарли бўлиши мумкинми?

— **Маруся, инқилоб вақтида сизнинг қариндош-уруғларингиз қандай қилиб омон қолишди?**

— Қариндошларим таътил пайтида Англияга боради. Бу биринчи жаҳон уруши арафасида бўлган. Ана шу уруш туфайли улар Россияга қайтиб келолмай қолишади.

— **Агар кетишмаганидачи?**

— Улар омон қолмаган бўлишарди. Бувимнинг оиласидаги 17 аъзоси ё отиб ташланган, ёки шахтага ташланган.

Рус зиёлилари уларни қутқариб қолиш учун анча уринганликлари маълум. Бувамнинг укаси ўзини социалист ҳисоблаган. У тарихчи бўлган. Бувимнинг буваси. Николай I нинг кенжа ўғли Кавказнинг губернатори экан. Унинг барча фарзандлари Спартак шароитида Кавказда камол топишган, қарийб ҳаммаси инқилобчи бўлишган. Менинг бобокалоним Улуғ князь Георгий подшога Россияда конституцион монархияни жорий қилиш билан мурожаат этган. Романовларнинг ҳаммаси ҳам консерваторлар бўлган эмас.

— **Сиз бу ерда ўзингизни бегона кишилардек ҳис қилаяпсизми?**

— Биз бу мавзуни муҳокама қилмаймиз. Биз бир қатор нарсаларда ўзимизни бегона деб ҳис қилмаймиз. Жумладан, маданиятга таллуқли нарсаларда, лекин биз баъзи бир нарсаларни тушунмаймиз. Уларга аралашмаймиз. 90 фоиз нарсаларни эса тушунмаймиз.

— **Сиз Америкада хайри-эҳсондан тушган маблағлар ҳисобидан яшаганлигингиз тўғрими?**

— Жигарларим Россиядан сариқ чақасиз жўнаб кетишган. Бувим ва бувам ўша пайтда Англияда иш топишга ғоят қийналишган. Улар 20-йилнинг охирларида Америкага кўчиб келишганида бувим шоферлик ва бўёқчиликдан тортиб бир неча касбга эга бўлган. Тақинчоққа келсак, у Мономахнинг қалпоғи шаклида ишланган экан. 1939 йили бувим ва бувам қуруқ тақинчоқдан кўра уйга эга бўлиш афзал деган қарорга келишган.

— **Сиз турмушга чиққанмисиз?**

— Йўқ.

— **Неча ёшдасиз?**

— 36 да.

— **Сизнинг маълумотингиз қандай?**

— Бир неча хусусий мактабларни ва дорилфунунни тугатганман.

— **Сиз нима билан шуғулланасиз?**

— Таълим муаммолари билан.

— **Севимли адибингиз?**

— Анна Ахматова.

— **Композиторингиз?**

— Бах.

— **Бўш вақтингизда нима билан шуғулланишни ёқтирасиз?**

— Грузинча рақсга тушиш ва мутолаани.

— **Сизнинг Грибоедовнинг хотини — Нина Чавчавадзега бирор-бир даҳлдорлигингиз борми?**

— Унинг акаси Давид — менинг қариндошим. У Грузия сўнгги шоҳининг набирасига уйланган.

— **Россияда ҳаммадан кўпроқ қаер сизга маъқул тушди?**

— Грузия ғоят маъқул тушди. Ленинград ва Москва эса мисоли уйимдек...

Г. РЕЗАНОВ,
Т. ХОРОШИЛОВА.

Наркоз ўлимга олиб борадими?

Операцияга муҳтож бўлган беморга умумий наркоз бериш мумкин бўлмаса, бу пайтда врачлар қандай йўл тутишади! Наркоз умрни бир неча йилга қисқартиришни тўғрими!

Муштарийларнинг бу саволларига СССР Соғлиқни сақлаш нозирлигининг бош анестезиологи А. Бунатян жавоб беради:

— Умумий анестезия ўтказиш мумкин бўлмаган одамлар жуда камчиликни ташкил қилади.

Оғриқни қолдиришнинг анъанавий бўлмаган усуллари ҳам мавжуд. Бу электро ва игна-анестезиядир.

— Наркознинг соғлиққа зарари қандай?

— Муштарийларнинг хавфсирашларини асримиз бошларидаги наркоз беришга боғласа бўлади.

Ҳозирги статистика бўйича наркоз туфайли ўлим 10—15 минг операцияга битта тўғри келади. Соғлиқ масаласига келсак, агар анестезия малакали мутахассис томонидан ўтказилса, бемор организми яхши ўрганилиб амалга оширилса, ҳеч қандай асорати қолмайди.

«Кичик Вера»—ҳаммадан кучлими?

«Советский экран» журнали тез-тез бизнинг фильмларимизнинг оммавийлиги ҳақидаги рўйхатни бериб боради. Чет элларда бизнинг қайси фильмларимизни сотиб олишади ва томоша қилишади!

Ю. ТИМОРЕВА.

Мухбиримиз «Союзэкспортфильм» бирлашмасига мурожаат қилди ва 1989 йилда хорижий элларда қайси фильмларимиз савдо-сотиқда муваффақият қозонганлигини аниқлади.

Шундай қилиб, «Экспортли» кинонинг хит паради қуйидагича:

1. «Кичик Вера»ни 19 мамлакат сотиб олган.
2. «Зеро шаҳри»ни 15 мамлакат.
3. «Фонтан»ни 13 мамлакат.
4. «Ошиқ Ғариб»ни 12 мамлакат.
5. «Илонлар дараси қасами»ни 12 мамлакат.
6. «Қўғирчоқ»ни 11 мамлакат.
7. «Офарин, Альбер Полиш»ни 10 мамлакат.
8. «Ҳалокатли хато»ни 9 мамлакат.
9. «Қирол гвардиясининг ўқчиси Квентин Дордварднинг саргузашти»ни 7 мамлакат сотиб олган.

Етти йилдан кейинги кечки овқат

Эшитишимча, Марказий журналистлар уйидаги ресторанни Хаммер сотиб олмоқчи бўлган экан. Аммо уй ресторани билан бирга капитал таъмирлаш учун ёпиб қўйилган. Нима, Хаммернинг омади келмаганми!

Е. КОЖЕВНИКОВА.

Биз Марказий журналистлар уйининг директори А. Золотов билан боғландик:

— Журналистлар уйи етти йиллик таъмирлашдан сўнг шу йилнинг март ойида очилади. Хаммерга келсак, у ҳеч қачон бизнинг ресторанни сотиб олиш ниятида бўлмаган. Октябрь ойида биз халқ орасида «Хаммерники» дейиладиган хўжалик ҳисобидаги «Халқаро тижорат маркази ва хорижий эллар билан илмий-техника алоқалари» («Совинцентр») Бутуниттифоқ ташқи иқтисодий алоқалар бирлашмаси билан шартнома туздик. Ҳақиқатан ҳам «Совинцентр» бизнинг ресторанимизни ижарага олади. Бу вақтинчалик чора бўлиб, у ҳар икки томон учун фойдалидир. «Совинцентр» ходимлари журналистларга худди илгаригидаги нарх ва ассортимент асосида хизмат кўрсатадилар.

Яримта неча пул туради?

Давлатимиз спиртли ичимликларни сотиб, қанча фойда кўришини билишни хоҳлардим.

С. РЯУЗОВ.

Винница.

Ичкиликбозликка қарши кураш нафақат самогон қайнатувчиларнинг кўпайишига, балки иқтисодимизга ҳам катта зарар етказганлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Бу зарарнинг қанчалигини билиш мақсадида биз СССР Давлат статистика қўмитасига мурожаат қилдик. Маълум бўлишича, ўтган йили давлат 50.760 миллиард сўмлик спиртли ичимликларни сотган.

Кўрилган фойдани ҳисоблаб чиқиш учун маҳсулотнинг таннархини билишнинг ўзи кифоя. Давлат деҳқончилик саноат қўмитасидан бизга қуйидаги рақамларни келтиришди: бир литр арақнинг таннархи — 40 тийин, винoники — 1 сўм 30 тийин, бир литр коньяк — 5 сўм 50 тийин, шампан виносининг 1 литри — 1 сўм 60 тийинга тушар экан.

Эртаклар талон бўйичами?

1990 йилда топширилган макулатура учун олишга қандай китоблар чоп этилади.

В. КОЗЛОВА.

Ленинград.

1990 йилда:

А. Платоновнинг «Давлат яшовчиси».

Ж. Санднинг «Графиня Рудольштадт».

Г. Хаггарднинг «Шоҳ Соломоннинг найзаси».

Ф. Купернинг «Жосус».

М. Риднинг «Оцеола, семиноллар йўлбошчиси».

«Денгиз сири» (Тўпламга Г. Мелвил ва Ф. Морристанинг қиссалари кирган).

Д. Барри, Д. Биссетнинг «Питер Пен ва Венди», «Унутилган туғилган кун».

«Сизга эртак айтаман» (Ғарбий Европа халқлари эртаклари).

В. Ключевскийнинг «Тарихий портретлар».

Д. Мордовцевнинг «Кимнинг гуноҳи учун», «Буюк бўлиниш».

А. Дюманинг «Икки Диана», «Граф Монте-Кристо».

Р. Штильмаркнинг «Калькутталик меросхўр» асарлари чоп этилади.

Маълумот учун: Сизнинг музофотда қайси китоблар чоп этилишини ҳурматли муштарий, қайта ишловчи фирманинг маҳаллий бўлимларидан билишингиз мумкин.

27 февраль куни «Известия» газетасида 1975 йилнинг ноябрида Рига рейдида рўй берган фожиали воқеалар ҳақида мақола эълон қилинди. Албатта, «Комсомольская правда» жамоаси ҳам, қуйида чоп этилаётган мақола муаллифи ҳам адлия генерал-майори А. Борискин фикрига тўлиқ қўшилишади: «ҳарбий қасамёдни бузиш, ҳарбий кемада ҳокимиятни ўзбошимчалик билан қўлга олиш ва уни Ҳарбий-Денгиз Флоти қўмондонлиги қарамоғидан чиқариш, шунингдек, буйруқларга бўйсунмаслик ўшанда ҳам оғир ҳарбий жиноят ҳисобланган, ҳозир ҳам».

Бироқ кишига баъзи саволлар тинчлик бермайди: У (сувости кемаларига қарши курашувчи катта кема командирининг сиёсий ишлар бўйича муовини, 3-ранг капитани Валерий Михайлович Саблин) бундай ишга нега қўл урди! Нима мажбур қилди!»

Қолаверса, чет элларда кимпардир бу мавзуда диссертациялар ёқласа-ю, ўзимиз мутлақо бехабар юраверсак кулгили эмасми!!

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолани адиб Николай Черкашин бир неча йил давомида Валерий Саблин қариндош-уруғлари, СССР ҳарбий прокуратураси ва Давлат хавфсизлик қўмитаси ходимлари билан суҳбатлашиб, архив ҳужжатлари асосида тайёрланган.

Очерк тўлалигича «Родина» журналининг иккинчи сонида чоп этилди. Биз ундан бир парча эълон қилаётирмиз.

СЎНГГИ ПАРАД

Ўша йили бу юлдузлар маршал бўлишига беш дақиқа қолган — Брежнев ва учинчи ранг капитани Саблинга деярли бир вақтда топширилган бўлса ажаб эмас — биринчисига бриллиант тошлари кўзни қамаштирувчи «Маршаллик юлдузи», иккинчисига III даражали «СССР Қуролли Кучларида Ватанга хизмати учун» жездан қилинган сипоҳилик юлдузи. Ватанга хизматни Саблин «Сторожевой» деб аталмиш сувости кемаларига қарши курашувчи катта кемада (БПК) ўтарди.

Юлдузлар тақдири умидсиз экан: бири бесамар сўнди, иккинчисини узоқ йилга зулмат ўз қаърига тортди.

Бироқ, бунга ҳали вақт бор. Ҳалича Брежневга садоқат билан чалинган қарсаклар тинмаган, яхши уюштирилган олқишлар садоси ғазаб билан урилган темир жарангини босиб кетганди: Преображенский чегара ҳудудида жойлашган уруш ногиронлари гос- [illegible]

...дан анча йироқ денгизларга сургун қилинганди. Шу туфайли бу мавзудан тилини тиймаганларни яхшилик кутмасди.

Албатта, ҳозир бу ҳақда овозни баралла қўйиб гапириш мумкин. Бироқ, тўғриси, қалбингни ҳайрат аралаш изтироб қийнайди: ахир эндиликда ҳамма жойда ўқиётганимиз социализмнинг қўпол бузилишию, Ленин принципларига, чин демократияга қайтиш зарурлиги ҳақидаги гапларни Саблин Брежневга айтгани учун ўшанда отилиб кетди.

Ёки у сал шошдими? Аммо наҳотки 1985 йилнинг савр ойини кутиб ўтириш шарт эди?!

* * *

Валерий Саблин авлодида ҳеч қандай оқ гвардиячи адмирал бўлмаган. Она томондан бобокалони Фёдор Васильевич Тюкин Болтиқда кондуктор бўлиб хизмат қилган, 1914 йилнинг октябрида «Паллада» крейсери экипажи билан бир- [illegible]

...ланиб қолади унда. Кейинчалик бу туйғу инсон муаммолари, мамлакат, жамиятдаги аҳволга бўлган қизиқишига айланади.

«Хизматим яхши. Кемага ва денгизчиларга жуда ўрганиб қолдим. Ажралгим келмайди. Улар билан аввалги ҳаёт ҳақида суҳбатлашишни ёқтираман. Мана, кеча Смирнов деган йигит билан гурунглашиб қолдик, Калинин вилоятининг бир қишлоғидан экан. Кичик отбоқар бўлган. Уни эшита туриб, худди деҳқон ҳаёти ҳақида китоб ўқиётгандай бўласан... Қандай қизиқ йигитлар-а, бу денгизчилар».

«Ленин ҳақидаги суҳбатим яхши ўтди. Айтишнинг ўзи уят: 21 га кириб, энди Лениннинг улуғворлигини ҳақиқатдан англабман. Илгари бу қандайдир онгсиз равишда ва юзаки эди».

Валеранинг болалиги ҳақиқий мардлик ва жасорат шаҳарлари — Архангельск, Полярний, Североморск ва Горькийда ўтди. Ҳар бир шаҳарни матрос, ишчи коржомасидаги тар- [illegible]

«Валера, биз билан қандай бўлган бўлсанг, доимо шундай қол. Ю. Михайлов».

«Энг вазминларнинг энг вазмини, энг принципиалларнинг энг принципиали Валерага. Коленов».

«Адолат учун курашчига. Г. Каневский».

Истаклар орасида шунақаси ҳам бор.

«Истагим дунёнинг
қаҳрамони бўл
Келажак йиллару,
асрлар оша
Рус денгизчилари ғурури
мисол
Мадҳингни созларда
куйласин башар!»

* * *

Шундай қилиб, 1960 йилда лейтенант Саблин сипоҳилик хизматини, Севастопольда, эскадрон мина ташувчиси «Ожесточенний»да бошлади. Кемада тўплар ўт очишини бошқариш гуруҳига, кейинчалик дивизионга командирлик қилди... [illegible]

...инсоннинг бахтли онлари. Яхшими, ёмонми ҳар ҳолда ўз уйингда бўлишга нима етсин...

Мана яна бир сурат. Эсминецдаги командир майдончаси. Лейтенант Саблин қўлида навбатчи сипоҳининг боғичила махсус телефон дастаси ёнида уйга толган.

Ўтмишда бундай қилиб афсонавий тош қаршисида туришган: «Ўнгга юрсанг отингдан, тўғрига юрсанг жонингдан айриласан...»

У тўғри йўлни танлади.

* * *

Синовлардан муваффақиятли ўтишига қарамай лейтенант Саблин, ҳа деганда катта лейтенант бўлавермади. Унвонини деярли бир йилга кечиктиришди. Сабаб? Н. С. Хрушчёвга фирқа сафини тозалаш ҳақида фикр билдириб хат ёзган эди. Коммунист сифатида, назарий жиҳатдан ҳар қандай фирқа ташкилотига мурожаат қилишга ҳақли аъзо сифатида ёзган эди. Бироқ амалда қандай бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу Саблин учун мактаб бўлди гўё — ишга муккасидан кетди. Кўп ўтмай Фахрий ёрлиқ билан мукофотланди: «Катта лейтенант В. Саблинга Североморскдан Севастопольга узоқ муддатли ўтиш даврида қўмондонлик юклаган вазифаларни муваффақият билан адо этгани учун. Қисм командири — контр-адмирал Беляков».

Мана бу ташаккурнома ёш сипоҳи бошқа кемага ўтказилаётганида Қора денгиз флоти қўмондонлиги томонидан топширилган:

«Ҳурматли катта лейтенант Саблин Валерий Михайлович!

Қисм қўмондонлиги, сипоҳилар, шахсий таркиб Сизни саводли ва маҳоратли мутахассис, қалби дарё ва талабчан сипоҳи-тарбиячи сифатида доимо миннатдорчилик билан эслайди. Жасоратли ва қайноқ юрагингиз одамларга ёруғлик улашсин ва илҳомлантирсин! Сиз қисмимиздан кетгач ҳам буюк ишимизга содиқлик ва ҳалоллик намунаси бўлиб хизмат қиласиз, деб ишонамиз...

Севастополь 21 декабрь, 1965 йил»

Флот унча-мунчага мақтайвермасди. Айниқса, ёш сипоҳиларни.

Яна Фахрий ёрлиқ, яна, яна...

Уларни узоқ кўздан кечириш, парчалар келтириш мумкин, бироқ шусиз ҳам Саблин виждонан хизмат қилгани кўриниб турибди.

Валерийни кема командирлигига тавсия қилишди. У эса Ленин номидаги ҳарбий-сиёсий академияга ўқишга кирмоқчиман, деб унамай, ҳаммани таажжубга солди.

...Маркс, Ленин, Плеханов ишларидан Саблин қилган кўчирмалар фақат имтиҳонларда кўрсатиш учунгина кўр-кўрона ёзиб олинганга ўхшамайди. Уларни кўздан кечира туриб Саблиндаги ўша фикр ўз-ўзидан пайдо бўлмаганини тушунасан...

Марксдан: «Маънавий давлат ўз аъзоларидан агар улар давлат органига, ҳукуматга қарши оппозицияда турган бўлсалар ҳам давлат миқёсида фикрлашни талаб қилади...»

Дзержинскийдан: «Биз, коммунистлар шундай яшашимиз кераккки, токи халқ хизматкори эканимизни, инқилоб ғалабаси ва ҳокимиятдан ўзимиз учун эмас, халқ фаровонлиги ва бахти йўлида фойдаланаётганимизни кенг меҳнаткашлар оммаси кўрсин».

У марксизмни даллолсиз ўрганди. Классикларга тўғридан-тўғри мурожаат қилди.

* * *

Флот — жамиятнинг ҳар қандай касаллиги: порахўрлик, гиёҳвандлик ёки қоғозбозлик дарҳол ўз аксини топувчи нозик ва мураккаб жамоадир. Кема эса давлатнинг кичиклаштирилган кўринишидир. Мамлакат нотинчми, кема ҳам нотинч. Ўша йиллар эса флот ҳар қачонгидан ҳам нотинч эди. Кемалар бир-бири билан тўқнашиб чўкар, «оқсоқоллик» гуллаган эди. 1974 йил «Отважний» деб номланган сувости кемаларига қарши курашувчи катта кема чўкиб кетди. Бир йил ўтар-ўтмас катта вертолёт ташувчи «Москва» кемаси ёниб кетди, ғарқ бўлган сувости кемаларининг сон-саноғи йўқ...

Салобатли буйруқларда ҳамма бало-қазоларга «айрим кишиларнинг ўз вазифасига совуққон муносабати» сабаб қилиб кўрсатиларди. Афсус, бу совуққонликнинг илдизи жуда сершох ва бақувват эди...

Саблиннинг тенгқури ва севимли шоири Владимир Высоцкий гитара садоси остида алам билан қичқирарди:

Алафдек кирмаса ҳамки
шум ўқлар
Юракни ҳовучлаб кун
кечирдик биз.
Биз ҳам Россиянинг мудҳиш
кунлари
Ароққа ўргатган
болаларимиз...

(Давоми 4-бетда).

МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ САЙЛАНДИ.

РИМ (ТАСС). Италия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бу ерда ўтаётган пленумида ИКПнинг шу ойда Болонье шаҳрида бўлиб ўтган XIX фавқулодда съезди қарорлари асосида унинг янги раҳбар органлари сайланди.

ИКП раҳбариятининг эндиликда 43 кишидан (илгари 52 киши эди) иборат янги таркиби сайланди. Мувофиқлаштириш ишларини амалга ошириш топширилган янги секретариат таркибига 8 вакил — ИКП Бош секретари Акилле Оккетто, Массимо Дъалема, Антонио Бассолино, Клаудио Петруччоли, Ливия, Турко, Чезаре Сальви, Умберто Раньери, Жулиа Родано кирди.

ГОЛЛИВУДДАН САЛОМ!

АМЕРИКАНИНГ ЛОС-АНЖЕЛЕС ШАҲРИДА ЯҚИНДА ЎТГАН ЙИЛНИНГ ЭНГ МАШҲУР КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ...

Маълумки, «Оскар» мукофоти Америка киноакадемияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш йўли билан берилади. 23 категория бўйича номзодлар овозга қўйилади. Яна энг муҳим томони шуки, овоз беришни махсус компьютерлар ҳисоблаб чиқади. Ҳайъат аъзоларидан бўлак ҳеч ким металл парчасига битилган лауреатнинг номини ҳамда соврин бериладиган кунни то тантанали дақиқаларгача билмайди. Бу соврин ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

Қувончли томони шуки, бизникилар бошқаларга қараганда анча омадлироқ. Сергей Бондарчукнинг «Уруш ва тинчлик», Акир Куросаванинг «Мосфильм» томонидан суратга олинган «Дерсу Узала»си ва ниҳоят 1981 йилда Владимир Меньшовнинг «Москва кўз ёшларига ишонмайди» фильмлари ана шу фахрли совринларга сазовор бўлган.

Айниқса, Меньшовнинг картинаси Америкада жуда машҳур бўлиб кетди. Унинг суратга олган фильми чет элларда ишланган фильмлар орасида энг машҳурлари, яъни бешликлар орасига кирган эди. Сўнгра муаллифнинг ўзини Лос-Анжелесга ҳам таклиф қилишди. Афсуски, ўша пайтдаги мамлакатимиз киносининг «жонкуяр» раҳбари Т. Ф. Ермаш бу таклифни рад этди. Ўша бешлик орасида Меньшовнинг картинаси билан беллашадиганлари йўқ ҳисоби эди. Унга қаттиқ қаршилик кўрсатилди. Ҳатто йўл ҳақини ҳам у ёқдан қабул қилишга йўл бермадилар...

Эски анъанага биноан «Оскар» соврини март ойининг охирги душанбасида топширилиши керак эди. Аммо хотирада қоладиган 1981 йилнинг бу кунини бошқа кунга қолдиришди. Биринчи апрелнинг тонгида Лос-Анжелесда «Йилнинг энг яхши чет эл фильмига» соврини эгасини кутаётган эди...

Владимир Меньшов биринчи апрель куни ўзига бўлган илк телефон қўнғироқлари ҳамда самимий қутловларни одатдагидек «ҳазил» деб тушунди. Кечга борибгина, «Время»да эрталабки «ҳазил»лар ҳақиқатга айланса бўладими. Ҳеч ишонгиси келмасди. Наҳотки? Йўқ, воқеалар бу билан тугамади. Ҳаммаси кейин бошланди...

— Ишонасизми, мен уни («Оскар» мукофотини) уч йилгача ўз кўзим билан кўра олмадим, — дея хотирлайди Владимир Валентинович. — Кейин нима бўлди денг, узоқдан Ермашнинг кабинетида кўриш бахтига муяссар бўлдим. Қўл билан ушлаш қаёқда дейсиз? Шунисига ҳам шукр қилганман. «Оскар»ни салкам бир йил кейин, 1988 йилнинг декабрида беришди...


...Ҳали Спасский минорасидаги соат қўнғироқлари эндигина беш маротаба урилган дақиқаларда шаҳар уйғоқ эди. «Россия» концерт зали одамларга лиқ тўла. Мамлакатнинг энг таниқли киноактёрлари, режиссёрлари, эстрада артистлари 6x8 ҳажмдаги экраннинг ёришишини ва Лос-Анжелесдан тўппа-тўғри олиб кўрсатиладиган тантанали репортажни кўзлари тўрт бўлиб кутишаётган эди. Мен кўксини ҳаяжон тўлдириб турган СССР Кинематографчилар уюшмасининг биринчи котиби, Америка киноакадемиясининг мамлакатимиздаги ягона аъзоси Элем Климовни суҳбатга тортаман. Бир нарсани эслатиб қўяй, Элем Германович Лос-Анжелесдаги мазкур мукофотнинг олтмишинчи — юбилей тантаналарида ҳам қатнашган эди.

— Биласизми, «Оскар прайс» ўз соҳибини икки поғона юксакликка кўтариб юборади. «Бу унинг довруғини оширади», деганим эмас, балки янада яхшироқ фильмлар яратишга ундайди. Шул боис, соврин учун курашиш ҳам осонмас. Ниҳоятда масъулиятли.

Бундан икки йил бурун яна бир «Оскар» — бу бизларнинг «Ника»миз пайдо бўлди. Лекин ҳали «Ника» совринини тантанали суратда топшириш маросимини америкаликлардай уддалай олганимиз йўқ. «Ника»нинг обрў-эътибори ҳали кўп ҳам машҳур эмас.

Хуллас, 62-«Оскар» мукофоти совринининг муддати белгиланди. Айтишларича, Дороти Чейндлер павильонига кириш ҳақи «чайқов бозор»да 2 ярим минг долларга чиқиб кетибди. Ақли бовар қилмайди кишининг. Ҳа, бу Америка киносанъатининг қутлуғ байрамига одамларнинг ихлоси қанчалик баланд эканлигини кўрсатади. Фақат бу байрам энди бошқа мамлакатларга ҳам ташриф буюрса, яхши бўларди. Минг марта эшитгандан кўра, бир марта бўлса ҳам ўз кўзинг билан кўрганга не етсин...».

А. ПЛЕШАКОВА.



Дунёдаги барча дискотекаларни безаётган, ёшларимизга жуда ёқадиган «Ламбада» рақси биз ўйлаганчалик яқинда пайдо бўлмаган экан. Италиянинг «Женте» ҳафтаномасининг хабар беришича, бу рақс бундан 65 йил муқаддам, 1925 йилда Кубада пайдо бўлган. Бироқ, «Танго» билан рақобатга чидолмасдан, йўқолиб кетган.

Рок—н—рол пайдо бўлгандан бошлаб мана қарийб 30 йилдирки, ёшларимиз биргаликда, бироқ алоҳида-алоҳида рақс тушишади. «Твист» ва «Диско» рақсларида ҳам бу анъана сақланди. Эндиликда эса жуфтликда рақс тушиш яна урф бўлаяпти, деб ёзади «Женте» ҳафтаномаси.

Суратда: 65 ёшли, аммо 20 яшардек кўринаётган «Ламбада» рақси ижро этилаётган пайт.

ТАСС сурат лавҳаси.

ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Парламент мажлисига мунтазам қатнашмайдиган Франция ҳукуматининг аъзолари «энди ҳукумат таркибида қолишлари мумкин эмас». Мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг баҳорги сессияси очилиши арафасида Франция Президенти Франсуа Миттеран министрларни шу даражада жиддий огоҳлантирди. Министрлар кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида давлат бошлиғи миллий мажлис ва сенат ишига етарли даражада ҳурматда бўлиш ҳукумат аъзоларининг бевосита вазифалари қаторига киришини очиқдан-очиқ айтди. У айни вақтда министрлар сессия мажлисларида шунчаки қатнашмасликлари, балки унинг ишида «самарали иштирок этишлари» лозимлигини ҳам таъкидлади.

Президентнинг шу даражада кескин нутқ сўзлашига парламент билан алоқа министри Жан Попрэннинг парламентнинг иккинчи апрель куни очиладиган навбатдаги сессиясига тайёргарлик тўғрисидаги маърузаси сабаб бўлди. Унда ҳукумат бир қатор аъзоларининг тутган йўлидан хавотирлик билдирилади.

Ниҳоят, министрларни огоҳлантирган президентнинг бу позициясини Бош министр Мишель Рокар қўллаб-қувватлади. У шундай бўлишини анчадан бери кутганлигини мухбирларга айтди.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси зийнат эмас

Автомобиль ҳайдашни ўрганишга ўқиш учун ҳозир неча сўм тўланади! Айтишларича, унинг нархи яна ошганмиш...
В. ЮРИНСКОЙ,
Ногинск.

Муштарийнинг бу гумонини ТАССнинг икки мухбири — А. Турбин ва В. Кузнецов ўзларида синаб кўрганлар. Улардан бири ДОСААФ мактабининг бири ДОСААФ мактабига, иккинчиси эса кооперативда ўқишни афзал деб билган.

Мухбир ДОСААФ қошидаги мактабга кириш учун ишхонасидан тавсиянома олиб келди, чунки уни бу хатсиз курсга ёзишмаган эди. Хат жўнатилиб, орадан ярим йил ўтгач, машғулотлар бошланганлиги ҳақида хабарнома келган.

Илгари давлат секторида ҳайдовчиликка ўқиш учун 180 сўм тўланарди. Лекин шу йилнинг январидан бошлаб бу нарх курсга бир ой қатнагани учун 240 сўмга етди.

Кооперативдаги нарх қўрқинчли эмасди: 100 сўм назария учун, 150 сўм эса ҳайдашни ўргатишнинг дастлабки ўн соати учун тўланади. Кейин эса ким программани ўзлаштира олмаса, ҳар бир соат машғулот учун алоҳида белгиланган бўйича 15 сўмдан тўлайверади.

Кооперативга мурожаат қилган мухбир инструкторнинг ўз ишига сидқидилдан ёндашганига қарамай курсни тугатгунча 500 сўмга яқин пул тўлаган.

Шуниси қизиқки, мухбирларнинг униси ҳам, буниси ҳам «Б» категориядаги ҳайдовчилик гувоҳномаси олган бўлишларига қарамай, йўлда дастлабки кунлари машина ҳайдаганларида ўзларини анча қатъиятсиз сезганлар.

Ўт тушганда телевизорни қўйинг

Қачон бизнинг мамлакатимизда кабелли ойнаи жаҳон пайдо бўлади!
Е. СЕРЕБРЯКОВ.
Қарағанда.

Москвада биринчи телевизион кабель 1941 йилдаёқ тортилган эди. Лекин фақат 1988 йилга келиб Москва Кенгаши Кабелли ойнаи жаҳон системасини ривожлантиришнинг бош схемаси»ни тасдиқлади. Ҳозир пойтахтда телекўрсатувларни Останкино телеминоралардан эфир орқали қабул қилишга қодир бўлган ва уларни кабель орқали алоҳида микрорайонларга узатадиган мингдан ортиқ «телекўрсатувларни коллектив қабул қилишнинг йирик системаси» (КСКПТ) ишлаб турибди. Уларнинг қуввати зўрлари 10-13 минг абонентни, ҳаммаси эса ярим шаҳарни қамраб олган. Ҳозир КСКПТ Марказий телевидение программаларининг барқарорлигини таъминламоқда. 90-йилларнинг ўрталарига бориб москваликлар ҳозирги маъ жудларига қўшимча яна 12 каналга эга бўладилар. Шунингдек, улар ўз телевизорлари орқали «Тез ёрдам», ўт ўчирувчилар билан боғланадилар, об-ҳаво тўғрисида маълумот ола биладилар...

Жеймс Бонд ўлдирилганми?

Эшитишимча, «Жеймс Бонд» сериалини кинога тушириш тўхтатилганмиш.
А. МУХИН.

«Жеймс Бонд» сериали мана ўттиз йилдирки, «яшаб» келмоқда ва ўлишга ҳали шошаётгани йўқ.

Ж. Бондни ўйнаган Ш. Коннери ва Р. Мурадан эстафетани яқинда Т. Далтон қабул қилиб олди.

Капиталистик маош

Капиталистик мамлакатларда ҳам амалдорларнинг маоши ошириладими!
А. МАРТИНОВ.

Италиянинг иқтисодиётида давлат шўъбаси катта ўрин тутади. Бироқ кейинги тўрт йил давомида амалдорларнинг ва давлат корхоналари раҳбарларининг маоши ўзгармаганди. Шунинг учун ҳам инфляция ўсганлиги ҳисобига маошнинг (пулнинг) харид нархи 1973 йил даражасигача тушиб кетди.

Февралнинг охирида Италия парламенти давлат хизматчилари, шунингдек, дорилфунунлар муаллимлари ва магистратура ходимларининг маошини 15 фоизга ошириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. 1993 йилда ягона Европа бозорини яратиш олдидан Италия ҳукумати давлатнинг харажатларини кескин камайтиришга интилаётганига қарамай қарор кўпчилик овоз билан тасдиқланди. Давлат хизматчиларининг катта маошини сақламай порахўрликка қарши курашиб ва давлат секторини бошқаришни самарали қилиб бўлмайди.

Шуниси қизиқки, иккала палата ҳам парламент аъзоларининг кундалик харажатларини қоплаш учун тўловни кўпайтиришни маъқуллади.

«СОЛДАТ НОНИ ХОТИРАМДА...»

Бу хотираларни мен бир неча кун давомида Волгоградда ёзиб олганман. Улар ҳозирги кунда урушнинг сўнгги гувоҳлари деб аталаётган кишиларнинг хотираларидир. Уруш туфайли етим қолган, ўсмир ҳолда полк ўғиллари ҳисобланганлар, болалар уйларининг тарбияланувчилари бир-бирига шунчалик ўхшашки, улар жангу-жадал боис Сталинграднинг ўтли кўчаларида бўлиб қолишган. Урушдан сўнг уларнинг илк бор ана шундай жамланиши. Бу ерга уларни В. И. Ленин номли Болалар фондининг Волгоград шаҳар бўлими ва ташаббускор гуруҳ аъзолари тўплашган.

Бу учрашувда ким билан учрашмай, уларга фақат ягона савол билан мурожаат қилдим: қандай қилиб сиз Сталинграддан тирик чиқдингиз? Шуни яхши биламанки, ўқ-дорилар устма-уст ёғилаётган шаҳарда омон қолиш, катта жанг майдонига айланган ерда тирик чиқиш — уларни бугунги кунгача ҳамон ҳайратлантириб келмоқда. Уруш гувоҳларининг ҳикоясида кўп бор ўқ остида ғойибдан пайдо бўлган бахтгина уларни омон қолдирганлигини англаб етардим. Ваҳоланки, ўша кезда ҳеч нарсага умид қолмаганди. Дастлаб уруш болаларининг қай ҳолда [illegible] ва меҳр-шафқатли кишилар ҳақида гап боради.

...ШАҲАР бўйлаб ўн ёшли қизча югуриб бормоқда. Бамисоли, жажжи тирик жон бўлса у тайёраларнинг қулоқни ёрадиган товушини эшитиб, ерга бикиниб ҳандақлар сари интилади. Унинг тирноқлари синиб кетган, сочи тупроққа беланган, кўйлаклари бўлса йиртилиб адойи-тамом бўлган. Қўлида эса нон солинган тўрхалта ва синиб олган муштида нон карточкалари. Ҳаммаси дафъатан бошланади. Қизча дугонаси билан нон олиш учун навбатда туришганди. «Нон олганимиздан қувониб, қайсидир ҳовлида ким ўзарга қувишиб бораётгандик, — деб эслайди иқтисодчи Т. В. Колбасина. — Бирдан юз берган портлаш мени девор четига улоқтириб ташлади. Бу дастлабки портлашлар эди. Унинг кучидан чор атрофга тошлар ва тупроқлар сочилиб кетди. Юзимнинг ифлосланишига қарамай, ерга бикиниб олдим. Шу дамда хаёлимга келган ва эшитган эртакларимдан хотирамда сақланиб қолган: «Э худовандан-карим, ўзинг мадад бер!», деган жумлани ичимда қайтарардим. Бир ёки икки соат эмас, балки бу қизчанинг ўз манзилига етиб бориши учун бир неча кун керак бўлди. Буни фақат урушда бўлган кишигина англайди. Ушанда қизча вайрон бўлган иморатнинг йўлагида, қаердадир ертўлада жон сақлаб, қулаб тушган биноларнинг орасидан эмаклаган ҳолда ёнаётган уйларнинг орасидан югуриб борарди. Энг муҳими шуки, унинг ҳаёти қил устида турган дамларда ҳам қизча қўлидаги нонни ва кафтига қисиб олган нон карточкасини ташламади. Гўдакнинг тасаввурида нонни йўқотиб, бутун оилани оч қолдирмаслик ҳисси ўз кучини кўрсатганди. У шу азобда уйига етиб олади.

Энди нон ва унга эришиш ҳақида гап юритсак бўлар. Улуғ Ватан уруши тарихида фожиали ҳолатларни келтириб чиқарган айрим оқибатлар хусусида ҳам тўхталиш жоиз. Масалан, Сталинград қамалида қолиб кетган аҳоли учун махсус нон бериш йўлга қўйилмаган эди. Улар бир кун ҳам озиқ-овқат билан таъминланишмади. Дастлабки кунлардаёқ савдо тармоқлари, омборлар, транспорт йўқ қилинганди. Шундай бўлгач, ҳар ким ўзича кун кўриш мажбур бўларди.

Ун бир ёшли Галина Беликова бемор онаси билан иккови қолишганди. Отаси эса фронтда жанг қиларди. Уруш вазиятидан қўрққан онасининг [illegible]. Шу боис, у мажолсиз ерга ётибди. Қизча бўлса ҳар қандай хавфни енгиб, онаси ва ўзини халос этиши даркор. Ночор қолган бошқа аҳоли каби у ҳам музлаган Волга дарёсидан сув олиш учун эмаклаб боради. Урушнинг дастлабки кунларида ғалла ортган кема дарёга чўкиб кетганидан уларнинг хабари бор. Тунлари яқин атрофда портлаётган снарядлардан қўрқмаган ҳолда одамлар унга яқинроқ боришарди. Кимдир арқонга пақир бойлаб, пастга туширганча ачиган ва моғор босган сувни тортиб олиб, сўнг ундаги буғдой бошоқларини битталаб теришарди.

«Орқага эмаклаш чоғида олдимдаги пақирни илгари сурасан, — деб ҳикоя қилади врач Г. В. Беликова. — Фақат ундаги сувни тўкиб юбормасликка ҳаракат қиласан. Немислар бўлса, ракета отишиб атрофни ёритишади. Ерга доирасига тушиб қолган заҳоти ерга бикинамиз. [illegible] ойча биз моғор босган сувдан тайёрланган ичимлик билан кун кўрганмиз».

Ҳаёт уйлаб чиқарган машаққатларни ҳеч ким унутмас экан. Л. В. Крайнова — Серебряковани [illegible] хотирлашича, тўрт нафар болага бўлган уларнинг оиласини немислар шаҳардан чўлга қувғин қилишади. Шу боис улар ташландиқ бир жойда панох топишади. «Қор босган майдонда қолиб кетган кунгабоқарларга кўзимиз тушди. [illegible] бу ер миналаштирилган экан. Шу боис унга ҳеч ким қадам қўймайди. Кичик гўдаклар очликдан шишиб боришарди. Шунда онам ана шу ерга боришга қарор қилди. Кимдир агарда қорга бикиниб борилса, ҳеч қандай хавф йўқлигини айтиб қолди. Буни эшитган онамиз кунгабоқар томон эмаклаб кетди. Биз бўлсак майдоннинг четида туриб, онамнинг қорга ботганча, илгарилаб боришини кузатиб турардик. Унинг қора рўмоли қандай ҳилпираб турганини ҳамон унута олмайман. [illegible] Худди ана шу кунгабоқар бизга асқотди. Ундан тайёрланган нонни еб омон қолдик».

Кўпчиликнинг хотирлашича, кулфатда қолганлар бир-бирларига бутунлай нотаниш бўлишига қарамай ёрдам қўлини чўзишарди. Ҳатто исм-шарифларини ҳам билишмасди. Ана шу уруш давридаги раҳм-шафқат қалблардаги маънавий таянч сифатида одамлардаги бир-бирига нисбатан душманлик ҳиссини эмас, балки ишонч руҳини кучайтирарди.

Уша фожиали кунларнинг яна бир хотирасини мен волгоградлик ўқитувчи аёл Д. И. Соколованинг тилидан ёзиб олганман. Сталинград учун бўлган жангларда у ўн икки ёшли қизча эди. У шундай хотирлайди: «Кечқурун биз икки юз киши жон сақлаётган ертўлага келиб, тонггача ўтирдик. Ҳаммаси эрталаб бошланди. Бир бомба тўппа-тўғри бизнинг уйимиз устига келиб тушди. Олти қаватли бино ер билан битта бўлди. Бутун борлиқни инграшлар ва қичқириқлар босиб кетди. Мен онамни, синглимни ва укамни чақираман. Уларнинг аллақачон вафот этганидан хабарим йўқ... Қимирлашга мадорим етмайди. Чунки мени ғиштлар босиб қолган. Нафасим бўғилади. Билмайман, орадан қанча вақт ўтди. Бирдан эшитдимки, кимдир юқорида лўмни ерга ураяпти. Биров атрофни тозаламоқда. Ниҳоят ҳаво келиб, кўзим темир йўлчиларга тушди. Шу онда якка ўзим тирик қолганлигимни англадим. Ҳаммаси бир пул бўлиб кетди. Яшашни хоҳламасдим. Мени қутқараётганлар тинчлантиришарди. Белимгача қазиб олишганда немислар келиб қолишди. Улар автомат қўндоқлари билан темир йўлчиларни турткилашиб, яраланган аскарларини йиғишга мажбур этишарди. Менинг тепамда турган икки киши мени чиқариб олишга рухсат сўрарди. Шу дам отишма бошланди. Немислар яширинишга улгуришди. Ҳаво жанги бошланиб, атрофда портлашлар юз бермоқда. Темир йўлчилар бўлса, ғиштларни ирғитишиб, менга мадад бериш ниятида. Шундай ҳолда қутқаришганди. Халоскорларимнинг кимлигини билмайман. Уларни яна қайтиб кўрмадим...»

АЙНИҚСА жангчилар кўрсатган мурувват ҳақида гап кўп. Сталинградда омон қолган ҳар бир одам аскарлар берган нoннинг таъмини бир умр унута олмаса керак.

«Бир умр ўзимни халоскоримнинг исм-шарифини сўраб, бу ҳақда яқинларимга хабар етказмаганим учун кечира олмайман, — дейди ошпаз З. Ф. Карманова-Мельникова. — Бир куни олдимизга бир жангчи овқат кўтариб келди. Эсимда, у ўзини Украинадан эканлигини айтиб, у ерда болалари қолганлигини билдирди. Жанг эса аёвсиз давом этарди. У бизнинг олдимиздан чиқиши билан душман ўқига дучор бўлди. Сўнг уни кўз ўнгимизда ёниб кетганлигининг гувоҳи бўлдим. У бизга марҳамат кўрсатиб, ўзи ҳалок бўлди...»

Уруш туфайли етим қолиб, оч-наҳор кун кечирган болалар жангчилар паноҳида омон қолишарди. Аскарлар уларга раҳми келгани учун ўзларининг ёнига чақиришарди. Улар ночорларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишган. Ҳикоялардан шу маълумки, ана шу йўл билан ўлимдан сақлаб қолинганларнинг кўпчилиги кейинчалик полк ўғилларига айланишарди.

Яна бир урушда омон қолган кишининг ҳикоясини келтирмоқчиман. Бунда бутунлай бегона одамларнинг ёрдами ҳақида гап боради. Ўн олти ёшли Георгий Рязанов ўша пайтда «Иван Попанин» кемасида хизмат қиларди. Бу кема урушдан олдин пионерларнинг ҳарбий флоти ҳисобида бўлиб, Георгийни ҳам унга хизматга йўллашган эди. Энди эса бу кема Волга дарёсининг кечувидаги жангчилар ихтиёрида. Йўлга тунлари чиқишади. Волга узра «Қутқаринглар!», деган чақириқ жарангларди. Дарёдан сузиб бораётган кемалар тез-тез ҳалокатга учрарди. Шунда сувга тушиб кетганларни қутқариш авжига чиқарди. Бир куни Георгийнинг ўзи ҳам портлаш туфайли сувга ирғитилди.

«Биз қирғоққа яқинлашиб қолгандик, орада 80 метрча масофа бор эди холос, — деб эслайди Г. И. Рязанов, — бу воқеа кеч кузда юз берганди. Волга бўйлаб кемамиз сузиб бормоқда. Шунда портлаш туфайли сувга тушиб қолганимни биламан, устимдаги оғир кийимлар дарё қаърига торта бошлади. Муз бўлагини ушлаб суза бошладим. Қирғоқ тобора яқинлашмоқда, аммо яна бир муз бўлагига дучор бўлдим. Қутилиб кетишнинг иложи йўқ. Шу он қирғоқдан овозлар кела бошлади. Аскарлар менга арқон ташлашгач, уни ушлаб базўр омон қолдим».

Мен суҳбатдошларимни асло танламадим. Улар нима деса, шуни бирин-кетин ёзиб олавердим. Аммо, шу нарсага амин бўлдимки, уларни омон сақлаб қолган халоскорлик ҳисси ҳақида кўп гапириш мумкин. Бу ерда тўпланганларнинг ҳар бири уруш даврида бир-бирига бўлган меҳр-шафқат ҳақида соатлаб сўзлаши мумкин.

...ШУНИСИ қизиқ бўлдики, ушбу ҳикояларни ёзиб олаётган хонага бирин-кетин ўз болалари учун нафақа сўраб кираётган рус ва арман қочоқларига кўзим тушарди. Менинг ёнимдаги столда ўтирганлар ўқ отишлар ва шафқатсизлик туфайли бошидан кечирган кунларини важоҳат билан эслашади. Уларнинг кулфатига шерик бўла олмайман. Бугун қайта қуриш даврида уларнинг тақдир тақозосига ташлаб қўйилган қисмати ҳақида кам гапирилмоқда. Гўдакларнинг нигоҳида ўлим қотиб қолган. Фақатгина бағри кенг оддий инсонларнинг беғараз марҳамати билан орамизда туғилган келишмовчиликни бартараф этиб, ҳар биримизнинг оёққа туришимизга имкон яратиш мумкин.

Мен ҳар куни волгоградликларнинг Болалар фондига қочоқлар учун мўлжалланган иссиқ кийимлар, совун, шакар, олмалар олиб келишаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Улар: «бизга ҳам бир вақтлар кимлардир мурувват кўрсатишган», деб шу ишга бош қўшишяпти. Юқоридаги ҳикояларда тилга олинганларнинг кўпчилиги билан ана шу ҳолда танишганман.

Бугунги сиёсийлашган жамиятимизда бизнинг ахлоқий таянчларимиз нимага асосланганлигини асло унутиш мумкин эмас. Буни эсдан чиқариб, ёки инкор этиб ҳам бўлмайди. Агар уни ёддан кўтарадиган бўлсак, асло кечириб бўлмайдиган ҳол юз беради. Уни эса ҳеч қачон ўнглашнинг имкони йўқ.

Л. ОВЧИННИКОВА.
(Махсус мухбиримиз).
Волгоград.

Табиат дарчаси

ҚУЛОҚЛАР ДИНГ

Инсон ҳаётдаги муҳим ахборотларнинг 80 фоизини кўриш орқалигина қабул қилади. Ўқиш ва турли экранлар кўриш қобилиятини оширади. Табиатда товуш ва кўришнинг моҳияти жониворларнинг яшаш тарзига ҳам жуда боғлиқ. Африка саванналарини узоқдан кўриш мумкин. Ўлжанинг изига тушиш ҳамда хавф-хатардан қочишда ҳайвонлар асосан кўзларига таянишади. Қирғийлардан бири ўлжага шўнғиши билан, шу заҳотиёқ қолганлари ҳам унга қўшиладилар. Ақлли зебралар жирафаларнинг сезгир кўзларига таянишгани учун ҳам мудом улар билан юришади. Зоологлар узоқ вақтгача нима сабабдан томми антилопалари ёнбошида қора ҳошия борлигини билолмадилар. Маълум бўлишича, улар узоқдан ҳам бемалол кўринадиган бу белги орқали, уни титратиб дўстларини хавфдан огоҳ этар эканлар.

Кенг майдонда ҳаёт шундай давом этади. Беш метрдан нарини кўриб бўлмайдиган ўрмонда эса ҳаёт бошқача. Бу ерда бутун жонзот қулоққа айланади. Буғу эса хавф-хатарни кўрмасдан туриб, унинг яқинлашаётганини сезади. Қулоқлари динг бўлиб туради. У қулоқларини айлантириб, товуш йўналишини аниқлайди. «Қулоқлари диккайди», «Қулоғини динг қилиб», «Анграйиб қулоқ солди», «Бутун тани қулоққа айланди» жонзотлар кузатуви туфайли пайдо бўлган ушбу сўзларни кишиларга ҳушёр, зийрак ёки беғамларга нисбатан қўллаймиз.

Ўрмонда товушлар ҳайвонларнинг бир-бирларини топиб олишларида ҳам асқотади. Буғу ва лослар ўз рақибларини бўкириб жангга чорлайди. Бўрининг увиллаши бу «мен шу ердаман» деганидир. Читтаклар ғирашира ҳам бир-бирларини кўздан қочирмайдилар. Кечки ўрмон сайрларимдан бирида, мен бойўғлига тақлид қилишни ўргандим. Менинг товушимга қоронғуликдан икки қуш — бири ўнгдан, дарё томондан, иккинчиси чапдан жавоб қайтаришди.

Ўрмондаги ҳамма товушлар ҳам жониворларни безовта қилавермайди. Қушларнинг сайраши, баргларнинг шитир-шитири, бақалар қуриллаши, дарахтнинг ғичирлаши, шохларнинг шамолда шувиллаши — бу табиий. Улар ҳеч қачон қулоқни динг қилмайди. Бироқ чанғи тагидаги қор ғичирлаши, ит ҳуришидан ўрмондаги барча жонзот бош кўтариб, эҳтиёт чораларини кўради.

Ўрмон ҳаёти хавф келтирмайдиган янги товушларга ҳам тез кўникади. Мен Внуково аэропорти қошида бугуни жуда яқиндан кузатиш имконига эга бўлдим. У кўкка парвоз этаётган самолётлар шовқинига парво ҳам қилмасди. Ногоҳ чўнтак соатимни бурашим билан у чўчиб кетди.

Ҳайвонлар қадам олишига қараб буғу келаяптими, одамни кутиб туриш кеpакми, йўқми тез англаб оладилар. Бир қозоқ овчи менга тўқайда буғуга тақлид қилиб қандай юриш кераклигини кўрсатгач, мен жониворларга жуда яқин боришга муяссар бўлдим.

Жонзотлар уйқуга кетганларида ҳам, қулоқларига ишонадилар. Бўри, айиқ, лос, тулкининг ором олаётган пайтида учратиш амри маҳол. Илиқ март кунларининг бирида, менга шундай учрашув насиб этган. Дарё соҳилидаги жарликда ухлаётган «соҳибжамол»ни кўриб қолганман. Кўкламги қуёш уни лоҳас қилганди. У гужанак бўлмай, бемалол чўзилиб ётарди. Нафасимни ичимга ютиб, тулкини кузата бошладим. Ҳатто чанғи таёғи билан думининг учини ҳам босиб кўрдим. У ухлаётганди. Тиззасига қўлқопим билан оҳиста уришим ҳамоно, тулки пружинадай сакраб, баландликка йўрғалаб қолди. Табиатда бундай бепарволик шафқатсиз жазоланади. Уйқуда ҳам қулоқлар динг туриши лозим.

В. ПЕСКОВ.

СЎНГГИ ПАРАД

(Боши 3-бетда.)

Ҳа, 3-ранг капитани Саблин бошини кўтариб, тик боқишга, бор овози билан норозилик билдиришга журъат қилди... Ўлим билан ўйнашаётганини англаган ҳолда минбарга чиқди...

* * *

«Мен узоқ вақт ниманидир салгина тўғрилаш, ниманидир алмаштириш, бир-иккита танқидий мақола ёзиш билан жамиятимизни ўзгартиришга ишониб яшадим, — деб ёзганди Саблин хотинига ўзининг сўнгги хатида. — Бу тахминан 1971 йилгача давом этди. Академияда ўқиб юриб, тўлиқ амин бўлдим: давлат-фирқа машинаси нақадар мустаҳкамки, унинг метин тўсиқларига урилган бошларнинг ҳайқириғи қумга сингган томчидай изсиз кетади...

1971 йилдан бошлаб мен эркин кемадан туриб ташвиқот олиб боришни орзу қила бошладим. Афсуски, сўзга чиқиш 75-йилнинг ноябридагина насиб этди... Бу ишга мени нима ундади? Ҳаётга муҳаббат. Мен ўзига тўқ тўранинг эмас, балки порлоқ, ҳалол, ҳар қандай пок кишига завқ бағишлайдиган ҳаётни назарда тутаяпман. Аминман, халқимизда 58 йил муқаддам бўлганидек инқилобий онг уйғонади ва у мамлакатда чинакам коммунистик муносабатлар ўрнатади...»

У ўзининг сўзга чиқишини тасаввур қиларди. Кемани Ленинградга олиб келиб, эфирга қичқиради: «Ҳамма эшитсин! Ҳамма! Озод кема «Сторожевой» гапиради!..» Ҳа, ҳа кейин мамлакатдаги бор ҳақиқатни рўйи-рост очиб ташлайди. «Фуқаролар! Ватанимиз хавф остида. Уни ўғрилик, сафсатабозлик, хўжа кўрсин ишлар ва ёлғон емирмоқда... Ленин принциплари, демократия ва ижтимоий тенгликка қайтишимиз зарур... Шахс номусини, ҳаётини ва қадрини ҳурмат қилайлик...» Эҳ, айтадиган гаплари қанчалик кўп эди...

Унинг ҳали тўлдирилмаган дафтарида ёзув шундай сўзлар билан тугайди: «Баъзида сенга ато қилинган дақиқа келишини кутиб ярим умринг ўтади».

Унинг дақиқаси 1975 йилнинг 8 ноябрида келди. Ўша куни мамлакат нафақат Октябрнинг 58 йиллиги, балки биринчи рус инқилобининг 70 йиллигини ҳам нишонлаётган эди...

1975 йилнинг 7 ноябри. Болтиқ кузининг ёмғирли шамоли авжга чиқади. Саблин ўз хонасида ўтириб ота-онасига хат ёзади.

Яқиндагина уларни Ғалабанинг 30 йиллиги билан табриклаганди. Эндиги хат бутунлай бошқача. Тушунишармикан? Кечиришармикан!

Валерий қандай мақсад учун ҳаётини тикканини отаси дарҳол тушуниб етмади. Кейинчалик, Лефортов қамоғида, учрашув пайтида истеъфога чиққан 1-ранг капитани Саблин ўғлининг фикрларини англаб етгандай бўлди. Ҳар ҳолда баъзи бир «дўстларнинг» маслаҳатига қарамай ўғлини ёмонлаб чиқмади.

Онаизор эса бир нарсани тушунди, холос: ўғли ўлим билан ўйнашаяпти. Ўша куниёқ Горькийдан Болтиққа нома юборилди: «Валерий, хатингни олдик. Ҳайратдамиз. Жаҳлимиз чиқди. Ақлингни йиғ, деб ўтинамиз. Отанг, онанг!».

У қайтмади. Чунки шундай тарбияланганди.

Командир билан Саблиннинг алоқалари ёмон эмасди. Шунинг учун сиёсий ишлар бўйича муовин командирни ҳибсга олиб, ҳақоратламади. Байрамни қирғоқда ўтказишни таклиф қилди. Бироқ командир кемадан бир қадам ҳам жилишни истамади. — байрам ўз йўлига, хизмат ўз йўлига.

— 1975 йил 8 ноябрь куни соат роппа-роса йигирмада хонамга эшикни ҳам тақиллатмасдан муовиним кириб келди, — деб эслайди А. В. Васильев. — Ҳаяжондан ранги оқариб кетганди... «Ўртоқ командир, — фавқулодда ҳодиса». Сапчиб туриб кетдим: «Нима бўлди? Қаерда?» — «Кеманинг тумшуқ қисмида...»

Зиналардан пастга отилдик. Люклар билан палубаларни чеки йўқдек эди, пастга, пастга... Тумшуқ қисмига киришимни биламан, орқамдан пўлат эшик қарс этиб ёпилди ва кулфланди. Аввалига нима гаплигини англай олмай турдим. Орқамга ўгирилсам. «Командирга», деб ёзилган конверт ва кема кутубхонасидан олинган бир-нечта китоб турибди. Саблин ўз хатти-ҳаракатларининг сабабларини тушунтириб ёзган хати мени ҳайратга солди. Телефон гўшагини кўтарсам ҳеч қандай товуш йўқ...

Барибир бу кемани қароқчиларча қўлга олиш эмасди. Тўғри, Саблин айёрлик қилиб командирни қамаб қўйди, бироқ, у командир иложи борича камроқ жавобгар бўлишини таъминлади. Мажбуран айёрликка қўл ураётганида қалбига таскин берган ягона нарса Чернишевскийнинг фикри бўлди: «Гоҳида инқилобчи мақсадига етиш учун ҳалол одам шахсий манфаатлари йўлида ҳеч қачон қўл урмайдиган ишларни ҳам қилишга мажбур бўлади». (Бу фикрни Саблин дафтарига кўчириб олган).

Саблин сипоҳилар ва мичманларни каютада тўплаб, «кемани сиёсий фаоллиқ марказига айлантириш» ҳақидаги қарорини эълон қилди. Танлашни эса ҳар кимнинг ихтиёрига қўйиб берди. Овоз бериш қуйидаги тарзда ўтди: барчага доира шаклида қирқилган қизил ва яшил қоғозлар бериб чиқилди. Яшил — «тарафдор» дегани, қизил — «қарши». Яшиллар кўпчиликни ташкил қилди. Қолганларни эса кеманинг ошхонасига қамаб қўйишди. Йўқса улар кейинчалик шерикликда айбланишлари мумкин эди.

Саблиннинг режаси дадил ва бир қарашда амалга ошириб бўлмайдигандай эди: бир кечада Ригадан Ленинградга ўтилиб, Невага кирилади ва ўша ерда телевизор орқали мурожаат қилишга рухсат берилмагунча туриловеради.

Бу ишни бажаришга бир воқеа халақит берди. Лангарни кўтаришаётганида бир мичман сувга сакрайди ва сузиб, «Сторожевой» билан сафда ёнма-ён турган сувости кемасига келади. Кема командири мичманнинг узуқ-юлуқ ҳикоясига ишонмасада, қирғоққа хабар қилади.

Ахборот Москвага етиб бормасданоқ, «Сторожевой»ни тутиш учун ҳавога ҳарбий тайёралар кўтарилади...

Улар кемани Ирбен бўғози яқинида қувиб етиб, огоҳлантирувчи ўқ узишади. Пулемётдан отилган ўқ кеманинг мўрисини тешиб кетади. Шунда боцман ёрдамида ҳибсдан чиққан командир тўппончани олиб майдончага отилади. У ерда, машина телеграфи ёнида сиёсий ишлар бўйича муовин турарди...

Кема базага келиши биланоқ Саблин ҳибсга олиниб, Москвага жўнатилди.

Унинг иши бўйича бошланган терговчи мураккаб эмасди. Саблин ҳеч нарсани инкор этмади, барча айбни бўйнига олди. Энг сўнгги сўзида эса «Сторожевой» денгизчиларини трибуналга топширмасликни сўради...

Валерий қамоқ касалхонасида ётиб (ўқ оёғини тешиб ўтганди) ота-онасининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб хат ёзарди, чол-кампирини, «ҳаётимни тортиб олишмайди», деб ишонтирмоқчи бўларди.

Бир-неча ойлик кўнгилни эзувчи жимликдан сўнг, ниҳоят, хат келди. Унга бор-йўғи шундай ёзилганди:

«Ўлим тўғрисида гувоҳнома.

Фуқаро Саблин В. М. 1976 йил 3 августда вафот этди.

Ўлим сабаби — (чизиқ)

Ўлим жойи — (чизиқ)».

Демак отилган...

Михаил Петрович Саблин ўғлидан кейин 6 ой яшади. 1977 йилнинг январида қазо қилди. Энг яқин кишиларидан ажралиб қолган Анна Васильевна Бучнова ҳам ярим йилдан сўнг вафот этди.

* * *

Биламан, Саблин тарихи ҳаммада ҳар хил фикр уйғотади. Унинг ишини ҳарбий давлат тўнтариши қилишга ҳаракат деб баҳоловчилар, ҳамма хаёлига келган ишни қилаверса, тартиб қоладими, дегувчилар ҳам топилади.

Бас, етар!

Рус флоти тарихида шундай одат бўлган. Раҳбариятнинг бирор фикрига қўшилмаган команда сафга тизилиб олган ва то раҳбарият келиб унинг арз-додини тингламагунича тураверган. Бу «норозилик билдириш», деб аталган. Саблин иши ҳам шуни эслатади: Ленин шаҳрининг энг кўринарли жойига чиқиб, ўша вақтдаги ҳаётимизга, ёлғонга, Ленин ғояларининг бузилишига, Брежнев бошчилигидаги тўраларнинг яккаҳокимлигига қарши норозилик билдирмоқчи эди у...

Валерий Саблиннинг ўғлига ёзган сўнгги хатида шундай сўзлар бор: «Қадрли ўғлим! Мен Ватан олдидаги бурчимни бажариш учун сизлар билан вақтинчалик хайрлашаяпман. Онангга ёрдам бер. Уни авайла, бировга хафа қилдириб қўйма.

Менинг Ватан олдидаги бурчим нимада?

Ҳозир буни чуқур тушуна олмайсан деб қўрқаман, бироқ катта бўлсанг ҳаммаси равшан бўлади. Ҳозир эса сенга Горькийнинг Данко ҳақидаги ҳикоясини ўқишни маслаҳат бераман. Мен ҳам унга ўхшаб кўксимни ёриб, юрагимни баланд кўтаришга қарор қилдим...»

У ҳақда ким нима деса деяверсин-у, бироқ бир нарсани инкор этиб бўлмайди: Саблин асл рус, у Достоевский жуда яхши таърифлаган миллий сажиядан келиб чиққан:

«Улар (рус болалари — Н. Ч.) вақтларини ҳисоб-китобга сарфлаб ўтиришмайди, — кўпинча ўзларини оғир оқибатлар кутаётганини билиб туришса ҳам, виждонлари буюрган ишни қилишади...»

Ҳа, рус болакайлари сабр-тоқатсизлар, улар бирданига ҳамма нарса бўлишини исташади — ёки бир уришдаёқ ёвузлик дунёсини тугатиб қўя қолгилари, ёки ҳаёт гўзаллигини қучиб, бошқаларнинг ёмон назаридан асрагилари келади уларнинг. Ёки ҳамма нарса, ёки ҳеч нарса...

Баъзилар «Хўш, Саблин шу билан нимага эришди?» деб сўрашлари мумкин.

Ҳа, бир қарашда ҳеч нарса бўлмагандай: бир кема кечқурун сафдан чиқди ва эрталаб яна жойига келиб турди. Рigaликлар буни сезмадилар ҳам...

Шахсан мен Саблин ҳақида бор ҳақиқатни билгим келади. Виждоним олдида қийналмаслик учун.

Брежневчилик жамиятнинг Сталин жаллодлик чиғириғи олдидаги қўрқуви туфайли илдиз отди. Саблин шу қўрқувни тарқатмоқчи бўлди, гўё.

«Сторожевой», «Аврора» крейсери ёки «Потёмкин» зирҳли кемаси эмасди. Ундан туриб ҳеч ким қуролли қўзғолонга чақирмоқчи, сипоҳиларни сувга отиб юбормоқчи ҳам эмас эди. У «Сторожевой» эди, холос.

Ўзимга ўзим савол бераман: «Саблин бугун тирик бўлса нима қиларди?». Ва жавоб бераман: «Менимча, «Сторожевой» бугун очиқ денгизга кетиб қолмасди. Негаки энди бунга ҳожат йўқ. Эндиликда — 90 йилга келиб, у очиқ-ойдин телевизордан миллионлаб кишиларга мурожаат қилиши, кемани қўлга олмасдан ҳар қандай мажлисда очиқ ташвиқот қилиши мумкин эди. Бироқ шу кунларга етиб келиш учун ҳам Саблин 75-йилнинг ноябрида «Сторожевой»ни очиқ денгиз томон йўналтирганди.



«Салом баҳор, салом Наврўз!» — Ана шу шиор остида жумҳуриятимизнинг турли гўшаларида қутлуғ Наврўз айёми тантана қилинмоқда. Хоразм вилоятининг меҳнаткашлари ҳам қадимий бу байрамни ўзига хос нишонлашга эришдилар.

Суратда: қадимий Ичон Қалъада Наврўз тантаналари.

К. ОТАЕВ сурати (ЎзТАГ сурат лавҳаси).

ТАЙЁРЛАГАНЛАР

Газетанинг бу сони «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда» материаллари асосида тайёрланган. Тайёрлаганлар: «Комсомольская правда» газетасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири М. АЛИМОВ, «Ёш ленинчи» газетасининг ходимлари Т. НАЗАРОВ, К. РАҲИМОВ, И. УСМОНОВ, З. РИХСИЕВ, С. РУСТАМОВ, Ф. ТУРНИЕЗОВ, А. МАМАДАМИНОВ, Н. ЖАЛИЛОВ, А. КАРИМОВ, Р. ШАРОПОВлар.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Индекс: 64607.

Д. — 23190.
Р — 01210.